

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

Шоира ЮЛДАШЕВА, Анвар ҚУРБОНОВ

**ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН
МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАР
ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ
ҚИЛИШ**

Тошкент-2006

Шоира Юлдашева, Анвар Қурбонов

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш./ Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф.И.Зокиров. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. –56 бет.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДЮИ.

Тақризчилар: ю.ф.н.доц.Г.Шарипова,
ю.ф.н.доц.М.Баратов

Мамлакатимизда ўтаётган ҳар бир йилимизнинг муайян ном билан аталиши алоҳида диққатга сазовор бўлмоқда. Ушбу номлар ўлароқ, бутун мамлакат миқёсида тегишли соҳани ривожлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгиланмоқда ва улар айтиш мумкинки, муваффақиятли амалга оширилмоқда. Муаллифлар томонидан тайёрланган мазкур рисола ҳам қайсидир маънода ушбу вазифаларга хизмат қилади.

Мамлакатимизда ижтимоий ва давлат қурилишининг муҳим бир пойдевори – кучли ижтимоий сиёсат юрғатишга қаратилган. Шу маънода давлат ва жамият етим болаларни, ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, бола-ларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради. Ушбу рисола бевосита ана шундай тоифа болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаат-ларини ҳимоя қилиш механизмлари, усуллари ҳамда соҳада фаолият олиб борувчи давлат органларининг ваколатлари ўрганишга бағишланган.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

© Тошкент Давлат юридик институти, 2006 йил.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси демократик ҳуқуқий давлат ва адолат-ли фуқаролик жамияти қуриш сари интиломда. Бундай юксак мақсадга эришишда оилага бўлган муносабат муҳим ўрин эгаллайди. Чунки оила жамиятнинг асосий бўғини бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир оиланинг фаровонлиги, оиладаги наслнинг соғломлиги, баркамоллиги жамият фаровонлигида, давлатнинг юксалишида кафил бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов айтганларидек, “жамият ўзининг эртанги кунини қандай тасаввур қилади? Биз аввалом бор ўсаётган фарзандларимиз, мана шу вояга етаётган болаларимиз орқали эртанги кунимизни кўз олдимизга келтиришимиз керак. Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир”^{1[1]}.

Жамият ҳаётида оила асосий ўринни эгаллайди. Оила ва жамият бир-бирига чамбарчас ва узвий боғлиқ бўлиб, жамиятнинг ўзи ҳам оилалардан ташкил топади. Оила ҳам ўз навбатида жамият бағрида вужудга келади, ривожланади. Айни пайтда оиланинг жамиятда ўз вазифалари мавжуд. Улар оиланинг авлод яратиш, фарзандларни тарбиялаш, уларни камолга етказиш, оиладаги иқтисодий муаммолар-ни ҳал этиш, оила аъзоларининг дам олишини ва саломатлигини тиклаш, табиатга, жамиятга бўлган ўзаро муносабатларни шакллан-тиришдан иборат.

Аслини олганда, оиланинг моҳияти ва вазифалари дунёдаги бар-ча халқлар учун бир хилдир. Лекин унинг ташкил топиши, тараққий этиши ва оила вазифаларининг бажарилиш жараёни турли халқларда турличадир. Бу ҳар бир ҳолда алоҳида олинган халқларнинг минта-литети, маҳаллий урф-одатлари ва анъаналари билан узвий боғлиқ-дир. Шуниси фахрланарлики, мазкур масалада миллатимиз дунё мил-латлари, халқлари орасида олдинги ўринларни эгаллайди. Ўзбекис-тонда мавжуд 26 млн. аҳоли 5,5 млн. атрофидаги оилада истиқомат қилади. Сирасини айтганда, оддий ўзбек учун оила деб аталмиш тушунчанинг мазмун-моҳияти, юки-вазни ўзгачадир. Ўзбек оиласида ота билан бола ўртасидаги, она билан қизлар ўртасидаги, бобо-буви-лар билан набиралар

^[1] “1998 йил-Оила йили». Тўплам. -Т.: Ўзбекистон, 1998. 10-б.

ўртасидаги муносабатлар ўзига хосдир. Афсус-ки, сўнгги пайтларда биз оилавий-ҳуқуқий масалаларда ўта мақтанадиган даражада бўлмай қолдик. Қайсидир маънода, кузатиш-лар шуни кўрсатмоқдаки, оила, никоҳ деб аталган муқаддас тушунча-ларга “дарз кетмоқда”. Бунга кўплаб сабаб ва омилларни кўрсатиш мумкин. Энг умумий ҳолда, бундай дарз кетишларнинг сабабларини қуйидагича таснифлаш мумкин: ижтимоий, табиий ва иқтисодий омиллар. Шу маънода оила масалалари орасида сўнгги вақтларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан боғлиқ ишлар пайдо бўлиб қолди. Нафақат пайдо бўлиб қолди, балки кўпайиб қолди. Бу бир жиҳатдан Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиб, дунё эшиклари очилиб, дунё халқлари билан ўзаро фикр алмашиб, борди-келдилар-нинг йўлга қўйилиши билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, Ўзбекистон шундай бир байналмилал ўлкаки, ундаги 26 миллиондан ортиқ аҳоли 136 миллатга мансубдир. Шуниси эътиборлики, бу соҳада биз қудратли Хитой давлатидан кўра, байналмилалроқ эканмиз^{2[2]}. Аммо, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра, Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади. Демак, мамлакатимиздаги этник глобализациянинг ўзи ҳам мураккабдир.

Юқорида айтганимиздек, оилавий-ҳуқуқий муносабатлар ораси-да ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари ҳам онда-сонда бўлсада, кун тартибиде бўлиб турибди. Ушбу ҳолатларни юқоридаги ижтимоий, иқтисодий ва табиий омиллардан туриб ўрганиш, таҳлил қилиш ва муайян хулосалар бериш лозим.

Умуман олганда, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ тадқиқот ягона комплекс тадқиқот сифатида ўрганилмаган бўлса-да, аммо у билан боғлиқ ёки унинг атрофидаги масалалар мамлакатимизда ва хорижда у ёки бу даражада ўрганилган. Жумладан, Ф.Отахўжаев, Р.Муҳамедов, И.Зокиров, Ҳ.Раҳмонқулов, Ш.Шораҳметов, М.Восиқова, А.Пчелинцова, М.Антокольская, Т.Кочергиналар томонидан масала у ёки бу ракурстан туриб ўрганилган.

Ушбу рисола ни ёзишдан мақсад шундан иборатки, оила ҳуқуқи-нинг салбий оҳангдаги институти бўлсада, ота-она

^{2[2]} Маълумотларга қараганда, Хитойдаги 1 млрд. 300 млн.дан ортиқ аҳоли 56 миллатга мансуб экан.

қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалани ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда оила қонунчилигида белги-ланган нормалар билан турмушдаги шу билан боғлиқ юз бераётган воқеа-ҳодисаларнинг уйғунлигини, вобасталигини ўрганишдан иборатдир. Ва ўрганишлар якуни натижасида амалдаги қонун ҳужжат-ларини такомиллаштириш юзасидан муайян хулоса, ечим ва так-лифларни беришдир.

Шу маънода, мазкур мақсадларни амалга ошириш йўлида қуйи-даги ҳоллар тадқиқотнинг асосий вазифалари қилиб белгилаб олинди:

-оила қонунчилиги нормаларини, хусусан, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган нормаларни таҳлил қилиш, бу жараёнда яқин ўтмишдаги амалда бўлган оила қонун ҳужжатлари билан бугунги кунда амалда бўлган оила қонун ҳужжатларини таққослаш ҳамда истиқболда қан-дай бўлиши лозим? - деган саволларга жавоб излаш;

-мазкур соҳадаги мамлакатимиз қонун нормалари билан хорижий мамлакатлар, шунингдек халқаро ҳуқуқ нормаларини қиёсий ўрганиш ва бунинг натижаси ўлароқ халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларини (ўрганилаётган соҳадаги) миллий қонунчиликка имплементация қилиш юзасидан амалий таклифлар бериш.

Ушбу ишни тайёрлаш жараёнида қатор манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республи-касининг Оила, Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Жиноят, Меҳнат кодекслари, “Мулкчилик тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти эр-кинлигининг кафолатлари тўғрисида”, “Ёшларга оид давлат сиёсати-нинг асослари тўғрисида”ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, жумладан, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоида-лари, Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғриси-даги, Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги Низомлар, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари ва суд амалиёти материалларидан фаол фойдаланишга ҳаракат қилинди.

Ишнинг назарий асослари бўлиб, қатор ҳуқуқшунос олимлар, Ф.Отаҳўжаев, М.Антокольская, Т.Аюбов, Ш.Шораҳметов,

Р.Муҳамедов, А.Пчелинцова, М.Васикова, Х.Раҳмонқулов, Т.Кочергина, Г.Иномжонова, Г.Тансиқбоеваларнинг асарлари, ғоя ва фикрлари хизмат қилди. Улар билан илмий баҳс-мунозараларга киришишга ҳаракат қилинди. Айрим ўринларда уларнинг фикрига қўшилинди, айрим ўринларда холис позицияда туриб ўз фикр-мулоҳа-заларни беришга ҳаракат қилинди.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига илк бор комплекс тарзда, рисола даражасида ёндошилди. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳуқуқ-ларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ва мустаҳкамловчи қонун ҳужжатларининг изчил таҳлили берилди. Илмий изланиш натижалари бир қатор масалаларни янгича қўйиш ва уларни ҳал этиш каби назарий ва амалий масалаларни келтириб чиқаради.

Шубҳасиз, жамият асосий негизини унинг бағрида яшовчи оилалар ташкил қилади. Оилаларнинг тинчлиги ва мустаҳкамлиги жамият ва давлат ҳаётида асосий ўринни эгаллайди. Оилаги муҳит ҳар бир шахснинг руҳиятига, иш фаолиятига, меҳнат унумдорлигига албатта ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Афсуски, сўнгги пайтлар-да ўзбек оиласининг обрўси бир оз пасайди, мавқеи тушди. Ушбу салбий ҳолатларни ўрганиш, шу баробарида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан боғлиқ ҳолатларни алоҳида ўрганиш бугунги куннинг долзарб илмий ва амалий вазифаларидан биридир.

I БОБ. ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ

1.1. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тартиби ва ҳуқуқий табиати

Ҳар бир инсон, ҳар бир оила, жамиятнинг муқаддас вазифаси, энг аввало, қобилиятли фарзандларни ўстириш, уларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук, ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялашдан иборат. Шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистонимизнинг биринчи Конституциямизда “оила-жамиятнинг асосий бўғини, оналик ва бола-лик давлат томонидан ҳимояланади, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ота-оналарига ғамхўрлик қилишлари шарт”^{3[3]}, деб кўрсатиб ўтилган. Бу ишончли, ҳуқуқий кафолатларда халқимиз босиб ўтган узок ва ёрқин тарихий йўлнинг бетимсол сабоғи, қадим анаъана-ларимиз акс этиб туради.

Ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабат, улар-нинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибати биринчи навбатда оилада на-моён бўлади.

Аксари ҳолларда, айрим оилаларда маиший бузуқ, спиртли ичимликлар ёки гиёҳвандлик моддаларини суиистеъмол қилувчи, шунингдек бошқа салбий сабаблари билан ота-оналик номига доғ тушираётганлар ҳам йўқ эмас.

Бу каби нохушликларнинг олдини олиш ёки уларга муайян таъ-сир чоралари кўриш мақсадида қонунчилигимизда бир қатор тарбия-вий чоралар назарда тутилган. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қилиш ана шундай чоралар жумласига киради.

Ота-оналар болаларининг жисмонан ва руҳан етук, баркамол бўлиб етишлари учун уларга ҳеч қандай тайзиқ, руҳан таъсир етказишлари мумкин эмас. Акс ҳолда, вояга етмаган, муомалага лаёқатсиз бола ота-онанинг унга бўлган қўпол муносабатидан, унинг ҳуқуқи поймол этилишидан азият чекиб бир умрга руҳан носоғлом бўлиб қолиши мумкин”^{4[4]}. Болага етказилган маънавий азоб учун ота-оналар қонун олдида жавобгар бўлиб ҳисобланадилар.

^{3[3]} Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2003 йил.

^{4[4]} Нечаева А.М. Правонарушения в сфере личных семейных отношений. -М.: 1991 г.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 148-моддасида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қилиш асослари аниқ қилиб белгилаб қўйилган. Унга биноан:

-ота-она вафот этганда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда, уларнинг ота-оналик ҳуқуқлари чекланганда, улар муомалага лаёқат-сиз деб топилганда, касал бўлганда, узоқ муддат бўлмаганда, ота-она болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, шу жумладан ота-она тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардаги боласини олишдан бош тортганда, шунингдек, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда болаларнинг ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қилиш васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилади.

Ота-оналар ўзларининг вояга етмаган фарзандларини тўлақонли моддий жиҳатдан таъминлаб, уларнинг маънан ва руҳан соғлом бўлиб вояга етишларида бевосита иштирок этишлари лозим. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси-нинг қонунлари билан тартибга солинадиган муносабатлар бир тарафлама ҳолатни очиб берса ҳам, унинг мазмун-моҳиятида асосий эътибор – боланинг ҳар тарафлама етук, тўлақонли шахс бўлиб етишишини кафолатлашдан иборатдир.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳуқуқларини ҳимоя қилинишига яна бир сабаб шуки, ота-оналарнинг ўз ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортишлари ёинки бўлмаса, али-мент тўлашдан бўйин товлашлари ҳисобланади. Ушбу ҳолат бўйича, қатор мутахассис олимлар ўзларининг фикр-мулоҳазаларини, таклиф-ларини бериб ўтганлар. Жумладан, рус олимаси, Антокольская М.В.нинг фикрича, ота-оналар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қили-ниб, болалари билан бирга яшаётган (аксари ҳолларда ота ёки она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлади) ва фарзанди учун зарур бўлган барча қулайликларни моддий таъминот билан таъминламаса, алимент тўлашдан бўйин товласа, ушбу ҳолат бўйича ота-оналик мажбуриятларини суиистеъмол қилиш бўлиб ҳисобланади^[5].

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибида амалга оширилади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар ота(она)нинг, прокурорнинг, шунингдек вояга етмаган

^[5] Антокольская М.В. Семейное право. -М.: 1997 г.

болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасаларнинг даъвосига биноан кўрилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида кўриб чиқилади.

Суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларни кўришда боланинг таъминоти учун ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онадан алимент ундириш масаласини ҳал қилиши лозим бўлади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-она қайси болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, шу болага нисбатан бўлган қариндошлик фактига асосланган барча ҳуқуқлардан, шу жумладан ундан таъминот олиш, шунингдек болали фуқаро-лар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг бундан кейин бола билан биргаликда яшаш-яшамаслик масаласи суд томони-дан уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниш ота-онани ўз боласига таъминот бериш мажбуриятидан озод этмайди.

Эътибор берган бўлсангиз, давлатимизнинг Конституцияси ўзига хос хусусиятларга эга. Хусусан, Конституциямизнинг XIV боби алоҳида боб сифатида оила масаласига бағишланган.

Ушбу бобнинг сўнгги моддаси “...вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдир-лар”, деб нормаланади. Маълумки, жамиятимизда ота-онага бўлган меҳр-муҳаббат, ғамхўрлик миллий қадриятларимиз ўзагига айланган. Миллий қадриятларимиз рамзи сифатида асосий қомусимиз ушбу модда ила жаҳонда яғонадир.

Муборак Ҳадиси шарифларда ҳам инсон ўз ота-онасига итоаткор ва меҳрибон бўлишлиги ҳақида васият қилинган. Расулulloҳ Саллоллоҳу алайҳи ва саллам ҳам “Оллоҳга ширк келтирмақ ва ота-онага оқлик (итоатсизлик) қилмоқ энг катта гуноҳи азим”, деб атайди. Оилада ҳар бир ота-она ўз фарзандларининг яшаши ва камол топиши учун барча шароитларни яратишга ҳаракат қилади. Демак, фарзанд-лар ҳам ўз навбатида ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишлари лозим. Аслида жамиятда ота-онага

ғамхўрлик қилиш ҳар бир кишининг, энг аввало, фарзандлик бурчи бўлиб, ахлоқий мажбурияти ҳисоб-ланади.

Ана шу норманинг Конституцияга киритилиши ушбу ахлоқий мажбуриятни қонуний бурч сифатида мустақамланиб, Оила кодексининг қатор моддаларида ўз ифодасини топган. Уларнинг руҳидан вояга етган ҳар бир фарзанд меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шартдир, – деган маъно келиб чиқади.

Фуқаролик қонунчилигимизга кўра вояга етган фарзандлар деганда, 18 ёшга тўлган ақли расо шахс тушунилади. Демак, фарзандлар ўз ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилишга, уларга моддий ва маънавий ёрдам беришга ҳамда кўмаклашишга мажбурдирлар. Улар ота-оналари турмушидан хабардор бўлиб, сихат-саломатлик-ларига ҳар доим эътибор беришлари лозим.

Ота-онасининг давлат ва нодавлат муассасалари қармоғида эканлиги вояга етган меҳнатга лаёқатли болаларни ота-она ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятидан озод этмайди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, вояга етган фарзандлар ва ота-оналар ўртасида нафақат мажбурият вужудга келган ёки келмагани-дан қатъи назар, ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Оила қонунчилигига кўра, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ўз ота-онасига ихтиёрий равишда моддий ёрдам беришдан бўйин товласалар, таъминот миқдори болаларнинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олган ҳола суднинг ҳал қилув қарорига асосан белгиланади.

Ота-онанинг болалар ёрдамига муҳтожлиги эса уларнинг маблағлари ўзларининг моддий шароитларини тирикчилик минимуми даражасида сақлашлари учун етмаган вақтда вужудга келади.

Фарзандлар ихтиёрий равишда ота-оналарини моддий таъминла-масалар, суд орқали алимент ундирилса-да, фарзандлар ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилмаганликлари учун ҳеч қандай қонуний чоралар белгиланмаган. Лекин одатда, бундай инсофсиз, ота-онаси олдида ўз фарзандлик бурчларини эсларидан чиқариб қўйган фарзандларга нисбатан суд хусусий ажрим чиқариб, яшаш ёки ишлаш жойларига уларнинг маънавий қиёфасини муҳокама қилиш учун юбориши мумкин.

Ота ёки онанинг болани ўз тарбиясига олиб бериш ҳақидаги даъвоси рад қилинган ҳолда бу ота ёки она оталик ёки оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмайди.

Суд амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, никоҳдан ажарашётган эр ва хотинлар фарзандларини ўз тарбияларига ва таъминотига олиш ҳақидаги келишмовчилик натижасида болаларига нисбатан оталик ёки оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмоқдалар.

Ушбу тоифадаги фуқаролик ишлари юзасидан тегишли туман (шаҳар) васийлик ва ҳомийлик органларининг судга берган аризалари асос қилиб олинмоқда. Томонлар ажрашгандан сўнг, оталик ёки оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида суд томонидан чиқарилган қарор ноқонунийдир. Нега деганда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тартиби ва шарти Оила кодексининг 79-моддасида ўз аксини топган. Биз булар ҳақида юқорида айтиб ўтдик.

Ота-оналик ҳуқуқи фуқароларнинг энг олий ва дахлсиз ҳуқуқларидан бири бўлиб ҳисобланиб, улар бу ҳуқуқдан юқорида санаб ўтилган асослар мавжуд бўлган алоҳида ҳолларда, охириги чора сифатида маҳрум қилинишлари мумкин.

Кўрсатилган ҳолларда, албатта ота-она ҳуқуқида албатта айб мавжуд бўлгани, яъни ота-оналарнинг вояга етмаган болаларни тарбиялаш бўйича ўз мажбуриятларини тўғридан-тўғри бажармаган-ликлари, болаларга салбий таъсир ўтказувчи ҳуқ-атворлари билан шуғулланишлари назарда тутилади.

Ота-оналик мажбуриятларини тўғридан-тўғри бажармаслик – вояга етмаган болаларига алимент тўлашдан қасддан бўйин товлаш, болаларга нисбатан тўғридан-тўғри ҳаракатлар содир қилишга эса, болаларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш, шафқатсиз муомалада бўлиш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноят содир қилиш каби ҳаракатлар мисол бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ота-она томонидан ўз мажбуриятларини бажариш бола тарбиясининг яхшиланишига етарли таъсир ўтказмаганлиги ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун асос бўлмайди.

Қоида тариқасида, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун ота-онанинг ҳуқ-атворида айб мавжуд бўлиши шарт. Фақатгина мутассил ичкиликбозликка ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган ота-оналар, айблари бор-йўқлигидан қатъи назар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинишлари мумкин. Чунки бундай ота-оналарнинг ҳара-

катлари вояга етмаган болаларнинг хулқ-атворига салбий таъсир ўтказиши мумкинлигини эсдан чиқрамаслик керак.

Никоҳдан ажралиш ишида ота ёки онанинг болани ўз тарбиясига олиб бериш ҳақидаги даъво рад қилиниши мумкин. Шароитлар ўзгарганда, яъни, ота ёки она билан бола ўртасидаги муносабатлар тикланган, боланинг яшаш шароити ёмонлашган ва бошқа ҳолларда манфаатдор ота ёки она болани ўз тарбиясига олиб бериш ҳақида қайтадан даъво қўзғатиш ҳуқуқини сақланиб қолади.

Вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томон-лама ҳимоя қилиш мақсадида суд ишда аниқланган ҳолатларга муво-фиқ, Оила кодексининг 44-моддаси 2-қисмидаги қоидани ҳисобга олган ҳолда даъво қўзғатилган ёки қўзғатилмаганлигидан катъи назар, болалар тарбияси учун нафақа ундириш масаласини муҳокама қилиши мумкин^{6[6]}.

Суд ишни кўришни бошқа кунга қолдирган ва эр хотинга ярашиш учун муҳлат берганда, ФПКнинг 263-моддаси ва Оила кодекси-нинг 112-моддасига кўра иш кўрилгунга қадар болалар таъминоти учун нафақа ундириш масаласини муҳокама қилишга ҳақли.

Маълумки, Оила ҳуқуқи оила аъзолари ўртасида вужудга кела-диган шахсий ва мулкӣ муносабатларни ҳуқуқӣ тартибга солиниши ва уни ҳаётга тўғри татбиқ этилишини ҳуқуқӣ жиҳатдан мустаҳ-камлаб беради.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тушунчаси ҳам оила ҳуқуқининг муҳим ҳуқуқӣ институтларидан ҳисобланади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласи шунчалик бир оддий, ахлоқӣ масала бўлмай, балки расмӣ ҳуқуқӣ масала саналади. Шу маънода, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибида амалга оширилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш аслини олганда, ота – она учун энг оғир жазо ҳисобланади. Шу сабабли, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун ота ёки онанинг, фарзандликка олган шахслар-нинг (ёки улардан бирининг) айбли ҳаракати бўлиши шарт. Ота-оналикнинг ҳар қандай мажбуриятларини бажармаслик ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун асос бўлмайди. Шунинг учун ҳам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибида амалга оширилади.

^{6[6]} Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами. –Т.: Шарк. 1999. 136-бет.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар ота (она) нинг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг, яъни, бобо-буви, бошқа қариндошларнинг), прокурорнинг, шунингдек вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасаларнинг (васийлик ва ҳомийлик органи, вояга ет-маганлар билан ишлаш комиссиялар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муассасалари ҳамда бошқа муассаса-ларнинг) даъвосига биноан кўрилади. Даъво ҳуқуқшунос олим Э.Э.Эгамбердиевнинг фикрича, яъни низоли моддий-ҳуқуқий муноса-батдан келиб чиқадаиган ва муайян процессуал тартибда кўриш ва ҳал қилиши учун суд ёки бошқа ваколатли органда қўзғатилган талаб тушунчаси билан даъвога бўлган ҳуқуқ тушунчаси чамбарчас боғлиқдир^{7[7]}.

Маълумки, васийлик ва ҳомийлик ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлган болаларни таъминлаш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш, шунингдек уларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари ва манфатларини ҳимоялаш мақсадида белгиланади^{8[8]}.

Айни вақтда суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғриси-даги ишларни кўриб чиқишда боланинг таъминоти учун ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онадан (ёки уларнинг биридан) алимент ундириш масаласини ҳам ҳал қилади.

Агар суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ишларини кўришда ота-она (ёки улардан бири)нинг ҳаракатида жинойт аломатлари мавжудлигини аниқласа, бу ҳақда хусусий ажрим чиқариш йўли билан прокурорга хабар бериши шарт. Айни вақтда суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори қону-ний кучга киргандан кейин уч кун ичида ушбу қарорнинг кўчирма-сини боланинг туғилганлиги давлат томонидан рўйхатга олинган фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юбориши шарт.

Юқоридаги ҳолар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва унинг ҳуқуқий табиатини очиб беради.

Демак, юқоридагилардан *биринчидан*, шундай хулосага келиш мумкинки, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўйидаги ҳолларда амалга оширилар ва бунинг натижасида ота-она қарамоғиджан маҳ-

^{7[7]} Э.Эгамбердиев. Фуқаролик суд ишларини юритиш турлари. -Т.: Камалак. 1996 йил.

^{8[8]} Ўзбекистон Республикасида “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12-апрелдаги 171-сонли қарорига 2-илова. -Т.: Адолат. 1999 йил.

рум бўлган болалаларнинг ҳуқуқлари давлат, жамият томонидан муҳофаза қилинар экан:

1. Ота-она (улардан бири) ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа;

2. Узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғуруқхона ёки бошқа даволаш муассасаларидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса;

3. Ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлса, шунингдек жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса;

4. Мутассил ичкликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса;

5. Ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят^{9[9]} содир қилган бўлсалар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинишлари мумкинлиги қонунчили-гимизда белгилаб қўйилган.

Иккинчидан, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан боғлиқ ишлар шунчаки оддий, ахлоқий маиший жараён бўлмай, балки суд тартибида амалга ошириладиган жараён ҳисобланади.

Суд амалиётини ўрганиш жараёнида шу нарсага амин бўлдики, аксари ҳолларда судлар ўзлари чиқарган ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарорларини қайтадан асоссиз тиклаганликлари маълум бўлди. Чунончи, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судида 2005 йилда фуқаро Лаптев А.М.га вояга етмаган фарзанди Лаптев А.Л.га нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги туман прокурорининг даъвосига биноан ишни кўриб чиққан. Ишни кўриш жараёнида суд гувоҳларнинг берган кўрсатмаларига, А.М.Лаптев яшайдиган фуқаролар йиғинининг берган маълумотларига асосан Анна Михайловна Лаптевани оналик ҳуқуқидан маҳрум қилган^{10[10]}. Бунга асосий сабаб, онанинг ўз боласига бўлган шафқатсиз муносаба-ти, фарзанди олдида оналик мажбуриятини бажармаслиги, фарзанди-ни қаровсиз ҳолда қолдириб, уни

^{9[9]} Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2005 йил 20 майда чиқарган ҳал қилув қарори.

^{10[10]} Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2005 йил 20 майда чиқарган ҳал қилув қарори.

тиланчилик билан пул топиб олиб келишга ўргатганлиги ҳисобланади. Лаптева оналик ҳуқуқидан суднинг ҳал қилув қарорига биноан маҳрум қилинганидан бир йиллар чамаси ўтиб, у ўзининг хулқ-атворида, оилада ўз мавқеига эга бўла бошлайди, болалари ва ўғли Андрей Лаптевга нисбатан оналик меҳрини ва тарбия беришни янгитдан бошлагани учун унинг оналик ҳуқуқи суд томонидан қайта тикланади.

Тўғри, ОКнинг 82-моддасига биноан ота-оналик ҳуқуқининг тикланиши мумкинлиги кўрсатилган. Унга кўра, ота-оналар (улардан бири ўз хулқ-атвориини, турмуш тарзини ва ёки бола тарбиясига бўлган муносабатини) ўзгартирган ҳолларда ота-оналик ҳуқуқи тикланиши мумкинлиги қатъий қилиб белгиланиб қўйилган.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг маълум бир муддати белгиланмайди, у муддатсиз ҳисобланади. Қонун бўйича ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан оилада ҳуқуқий муносабат тугати-лади, деб фикр беради цивилист олим Р.Муҳамедов^{11[11]}. Бизнингча, қонун бўйича ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш оилада ота-она ва болалар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тугатмайди. Чунки, ҳар қандай вазиятда, ҳар қандай шароитда ҳам болалар ўз ота-оналаридан таъминот олиш, мерос олиш каби ҳуқуқий муносабатларга кириша оладилар. Лекин, ота-оналардан қайси бири ушбу ҳуқуқдан, яъни, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлсалар, шу фарзандга нисбатан бўлган барча ҳуқуқлардан маҳрум бўладилар. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Р.Муҳамедов мазкур масалага бир томонлама ёндошган.

Асосий қонунимизнинг 63-моддасида “Оила-жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга” деб ёзилган. Маълумки, оила жамиятнинг муҳим бўғини сифа-тида болалар тарбиясида катта аҳамият касб этади. Оиладаги ота-она ҳамда фарзандлар ўртасидаги муносабат нафақат оила қонунчилиги билан балки жамиятда муҳим қадрият сифатида шаклланган ахлоқ нормалари билан ҳам тартибга солинади.

Оила аъзоларининг бир-бирларига бўлган иззат-ҳурмати, муома-ласи оиладаги маданиятни ифодалайди. Бундай оиладаги маданият фарзандларнинг яхши тарбия олишларида муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 19-моддасига мувофиқ эр-хотин оилада тенг ҳуқуқлардан

^{11[11]} Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига шарҳлар. -Т.: Адолат. 2000. -167 б.

фойдаланадилар ва улар тенг мажбуриятларга эгадирлар, деб кўрсатиб ўтилган. Демак, ота-она ўз фарзандларига нисбатан ҳам тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб ҳисобланадилар. Ҳар бир ота-она ўз фарзандини тарбиялаш ва камо-лати учун жавобгар ҳисобланадилар. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Муқаддас Ҳадиси Шарифда ҳам "фарзандларингизни иззат-икром билан бирга ахлоқ-одобини ҳам яхшиланганлар" деб хитоб қилинган.

Ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатига хилоф равишда амалга оширилиши мумкин эмас. Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун билан ҳимояланиб, бахтиёр ёшликни таъминланиши кўзда тутилади. Бизнинг ҳаётимизда болаларни тарбия қилишда оиланинг ролига ало-ҳида аҳамият берилади. Мамалакатнинг ёш фуқароси қандай бўлиб етишиши кўп жихатдан оилага, айниқса, онага боғлиқдир. Жамият-нинг бошланғич ячейкаси бўлган оилада кишилар маънавий етуклик олади, ҳаётдаги ўз ўрнини чуқур тушуна бошлайди.

Оила кодексининг 65-моддасига кўра, ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиши, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиши, улар билан яшаш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатиб ўтилган. Шундай экан, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ота-онанинг қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари бор:

Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш уларнинг ота-онаси зиммасига юклатилиши;

Ота-оналарнинг ўз болаларига нисбатан қонуний вакил эканлик-лари ҳамда ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар билан бўлган муносабатларда, шу жумладан судда алоҳида ваколатсиз уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишлари ва шу кабилар қонун билан мустаҳкамланиб қўйилган.

Васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ота-она ва болалар манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик борлиги аниқланганида, ота-она ўз болаларининг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳақли эмас. Ота-оналар ва болалар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлганда васийлик ва ҳомийлик органи болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил тайинлаши шарт. Ота-оналик ҳуқуқини амалга оширишда ота-она болаларининг жисмоний ва руҳий соғлиғи-га, ахлоқий камолотига зарар

етказишга ҳақли эмас. Болаларни тар-биялаш усуллари менсимаслик, шафқатсизлик, кўполликдан, инсоний қадр-қимматни камситувчи муомаладан, болаларни ҳақоратлашдан холи бўлиши керак.

Ўз ота-оналик ҳуқуқини болаларнинг ҳуқуқ ва манфатларига зид тарзда амалга ошираётган ота-оналар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Болаларнинг таълим-тарбиясига тааллуқли барча масалалар болалар манфатидан келиб чиққан ва уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-она томонидан ўзаро келишув асосида ҳал этилади. Агар ота-она ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлса, улар бу келишмовчиликларни ҳал қилиш учун васийлик ва ҳомийлик органига ёки судга мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Ота-она алоҳида яшаганларида болаларнинг қаерда яшаши ота-онанинг келишувига биноан белгиланади. Ота-она ўртасида келишув бўлмаса, низо суд томонидан болалар манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади. Бунда суд, болаланинг ота-онадан, ака-ука, опа-сингилларидан қайси бирига боғ-ланиб қолганлигини, боланинг ёшини, ота-онасининг шахсий фази-латларини, ота-онанинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларни, болани тарбиялаш ва уни камолоти учун шарт-шароитлар яратиш имкония-тини ҳисобга олади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан берилган болалар ва ота-оналарнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Ота-оналик ҳуқуқини суиистъемол қилиш деганда болалар ман-фаатларига зид ишни тутишни, масалан, ўқишга, жамоат топшириқ-ларини бажаришга тўсқинлик қилишни, тиланчилик, спиртлик ичимликлар ва наркотик моддалар истеъмол қилишга ундашни, уни жиноий ҳаракатга жалб қилишни тушунмоқ керак.

Болага нисбатан ота-она эмас, оиланинг бошқа аъзолари шафқатсиз муносабатда бўлсалар, ота-она бунга қаршилик қилмаса, бу ҳолда ота-оналик ҳуқуқи Оила кодексининг 83-моддасига мувофиқ чекланиши мумкин.

Болани ота-она ёки уларнинг бири билан қолдириш ота-онага ёки уларнинг бирига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра (руҳиятнинг бузилиши ёки бошқа сурункали касаллик, оғир ҳолатларни бошдан

кечириш ва бошқалар) бола учун хавfli бўса, ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади.

Агар болани ота-она (ёки уларнинг бири) билан қолдириш оқи-батада уларнинг ҳулқ-атвори бола учун хавф туғдирса, уларни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун етарли асослар аниқланмаган тақдирда ҳам ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади.

Ота-она ёки уларнинг бир ўз ҳулқ-атворини ўзгартирмаса, васийлик ва ҳомийлик органи ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори чиқарилганидан кейин олти ой ўтгач, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисида даъво тақдим этиши шарт бўлиб ҳисобланади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар ота (онанинг) ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг, яъни, бобо, буви, бошқа қариндошларнинг, шунингдек прокурорнинг, вояга етма-ган болаларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасаларнинг (васийлик ва ҳомийлик органи, вояга ет-маганлар билан ишлаш комиссиялари, етим болалар ва ота-она қара-моғидан маҳрум бўлган болалар муассасалари ҳамда бошқа муассаса-ларнинг) даъвосига асосан кўрилади. Даъво, профессор Ш.Шорахметовнинг фикрича, “ҳуқуқнинг ёки қонун билан қўриқ-ланадиган манфаатнинг ҳимоя қилиниши тўғрисида судга ёки бошқа ваколатли ташкилотга мурожаат қилиниши”^{12[12]} ҳисобланади.

Бу ерда даъво кўзғатиш ҳуқуқи фуқаролар, давлат манфаатлари-ни ва ташкилотларнинг шахсий ва мулкый ҳуқуқларини биринчи инстанция судида ҳимоя қилишнинг процессуал воситаси бўлиб кўринади.

Айни вақтда, шунинг ҳам эслатиш ўринлики, ФКнинг 11-моддасига биноан бир қатор бузилган фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари нормаланади. Уларга қуйидагилар киради:

-ҳуқуқни тан олиш;

-ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни буза-диган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;

-битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш;

^{12[12]} Ш.Шорахметов. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. -Т.: Адолат. 2001. -149 б.

-давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш;
-шахснинг ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиши;
-бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш;
-зарарни тўлаш;
-неустойка ундириш;
-маънавий зарарни қоплаш;
-ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш;
-давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги^{13[13]}.

Булар орасида бир қатор усуллар, чунончи, ҳуқуқни тан олиш, ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш, маънавий зарарни қоплаш кабилар ўзига хос аҳамиятга эгадир. Шунингдек, ушбу усуллар орасида давлат органининг ёки фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш, давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги каби усуллар мустақиллик даврида алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш жоиз. Зеро, муқаддам собиқ тоталитар тузум ҳуқумронлик қилган йилларда фуқаронинг бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг бу каби усуллари ҳақида умуман гап-сўз бўлиши ҳам мумкин эмасди^{14[14]}.

Мазкур масалаларга тўхталар эканмиз, яна шуни ҳам айтмоқчимизки, бугунги мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳатлар-нинг туб мақсади – инсон ва унинг манфаатларини таъминлашга қаратилган. 1997 йилнинг 20 майида мухтарам Президентимиз бир гуруҳ ҳуқуқшунос олимлар, амалиётчи юристлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда учта субъектга алоҳида тўхаталдилар. Булар – шахс, жамият ва давлат. Шўро замонида давлат ўз ҳуқуқини яхши билган ва манфаатларини мустаҳкам ҳимоя қилган, давлат манфаатлари жамият ва инсон манфаатларидан доимо юқори қўйилган^{15[15]}. Бугунги асосий вазифа ушбу уччала субъектнинг асосий марказий фигураси ҳисобланган шахс, яъни фуқаро манфаат-тини олий ўринга қўйишдан иборатдир. Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда

^{13[13]} Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. -Т.: Адолат. 1996. -9-10 бетлар.

^{14[14]} М.Баратов. Янги фуқаролик кодекси.//Ҳаёт ва қонун. 1997. №5. -23 б.

^{15[15]} Каримов И.А. Юксак ҳуқуқий тафаккур – демократик жамият тақозоси. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. -Т.: Ўзбекистон. 1998. -27 б.

инсон ва унинг шаъни, кадр-қиммати, манфаатлари олий қадрият ҳисобланиб, у даҳлсиздир^{16[16]}.

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари ҳақида гап кетганда, давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш усулига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки, биз кураётган жамият кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти саридир. Зеро, бундай жамиятда фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишлари, уларни реали-зация қила олишлари жуда муҳимдир. Зеро, Президентимиз айтган-ларидек, демократиянинг даражаси халқ чиқарилаётган қарорлардан қанчалик хабардорлиги, уни қабул қилишда қанчалик иштироки ҳамда ижросини таъминлашдаги ўрни билан белгиланади^{17[17]}. Яна амалиётга мурожаат қиладиган бўлсак, шундай маназарани гувоҳи бўлишимиз мумкинки, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бола қайси ота ёки онага нисбатан маҳрум қилинган бўлса, ундан мерос, таъминот олиш ҳуқуқини сақ-лаб қолади. Бунга мисол тариқасида, Уй-жой ишлаб чиқариш экс-плуатация бирлашмасининг даъвогарлигидаги “Натали” уй-жой шир-катига нисбатан уй-жойдан чиқариш ҳақидаги даъвосини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги эътирози ҳисобланади. Чунки ушбу уй-жой вояга етмаган фуқаро Мамбетов Алишерга ва уни отаси Мамбетов Нурлан билан бирга яшаш ҳуқуқини берган эди. Чунки Тошкент шаҳар Чилонзор тумани судининг қарорига биноан, Мамбетов Алишернинг онаси Мамбетова Гулия оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлиб, унга тегишли бўлган мол-мулкка, чунончи уй-жойга унинг фарзанди ҳам эгалик қилиб, фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги қонун асосида мавжуд эди. Бу ерда даъво шундан иборат бўлдики, Мамбетов Нурлан хотини билан қонуний никоҳ муносабатида турган бўлса-да, лекин улар алоҳида-алоҳида яшаган-ликлари маълум бўлган. Чунончи, Мамбетова Гулия оналик ҳуқуқидан маҳрум қилингандан сўнг, эри ўғлини хотининг уйида яшаб тарбиясида иштирок этиши суд томонидан аниқланиб берилган^{18[18]}. Шу нуқтаи-назарда олиб қараганда, биз юқорида таъкидлаб ўтганимиз-дек, шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини тиклаш

^{16[16]} Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан. 13-модда.

^{17[17]} Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон. 1997. -56 б.

^{18[18]} Тошкент шаҳар Чилонзор туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг 2005 йил 4 сентябрда чиқарган ҳал қилув қарори.

учун даъво кўзғатишга ҳақли эканлигини яна бир бора қонун асосида кўришимиз мумкин. Демак, бу ерда уй-жой мулкдорлари ширкатининг шикоятини ноўрин бўлиб ҳисобланади.

ФПКнинг 239-моддасига кўра, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан боғлиқ ишлар оила-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган туркумдаги ишларга киради. Юқоридаги кодекснинг 149-моддасига биноан берилган даъво аризасида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

ариза берилаётган суднинг номи;

даъвогарнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва яшаш жойи;

жавобгарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) яшаш жойи;

даъвогарнинг талаби;

даъвогар ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далиллар;

аризага илова қилинган ҳужжатларнинг рўйхати.

Ариза даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаат-ларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурор, давлат бошқарув органла-ри, ташкилотлар ёки айрим фуқаролар томонидан бериладиган ариза-ларда, шунингдек ариза кимнинг манфаатини кўзлаб берилган бўлса, ўша шахснинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва манзили кўрсатилиши лозим.

Мазкур туркумдаги ишлар судга даъвогар томонидан ариза топ-ширилиши билан бошланади. Судья ишнинг мураккаблиги ва хусу-сиятига қараб, даъвогарнинг аризага илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини ҳам жавобгарларнинг сонига мутаносиб миқдорда тақдим этишга мажбур қилиши мумкин. Аризалар судларда суднинг раиси, унинг ўринбосари ёки судья томонидан қабул қилинади. Фуқаролик иши кўзғатиш масаласини судья ҳал қилади ва бу ҳақда суд ажрим чиқаради.

Қуйидаги ҳолларда суд аризани қабул қилишни рад этади:

- ариза судда кўришга тегишли бўлмаса;

- суднинг айнан ўша тарафлар ўртасида, айнан бир предмет тўғрисида ва айнан бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан қабул қилиниб, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёхуд даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлигини қабул

қилиш ёки тараф-ларнинг келишув битими^{19[19]}ни тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими мавжуд бўлса;

- суд айнан ўша тарафлар ўртасида, айнан бир предмет тўғриси-да ва айнан бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан иш юритаётган бўлса;

- тарафлар ўртасида ушбу низони кўриш учун ҳакамлар суди^{20[20]}га топшириш тўғрисида шартнома тузилган бўлса;

- иш шу суднинг судловига тааллуқли бўлмаса;

- ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса;

- манфаатдор шахс номидан аризани иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс берган бўлса.

Судья аризани қабул қилиб, фуқаролик иши қўзғатганидан сўнг, ишни ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш мақсадида уни судда кўришга тайёрлайди. Судья ишни етарлича даражада тайёрланган деб топгач, уни суд мажлисида кўришга тайинлаш тўғ-рисида ажрим чиқаради, тарафлар ва процесснинг бошқа иштирок-чиларига ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида маълум қилади.

Фуқаролик иши ишда иштирок этувчи шахсларни албатта хабардор қилган ҳолда суднинг очиқ мажлисида кўрилади. Ёпиқ суд мажлиси қонунда назарда тутилган ҳолларда ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаби билан ёки суднинг ташаббуси билан ўтказилади.

Ишда иштирок этувчилар қаторида прокурорнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эгадир. Ишда иштирок этувчи прокурор ишнинг тўла моҳияти бўйича ўз хулосасини беради, прокурорнинг бошқа шахслар ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берган аризаси бўйича қўзғатилган ишлар бундан мустасно.

ФПКнинг 203-моддасига кўра, биринчи инстанция судининг ишни мазмунан ҳал қиладиган қарори ҳал қилув шаклида чиқарилади. Суд ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси номидан чиқаради.

^{19[19]} Дарвоқе, амалдаги ФПКда илк бор тарафлар ўртасида келишув битими тузиш имконияти таъминланди.

^{20[20]} Афеуски, бугуни кунда мамлакатимизда ҳакамлар суди тўла-тўқис шаклланганича йўқ. Бу борада дастлабки қадамлар қўйилмоқда (Ўзбекистон Республикаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси (ҳозирги Савдо-саноат палатаси) томонидан ОБСЕ ҳомийлигида Тошкентда ўтказилган халқаро семинар тўпламидан. 2004 йил 23 март).

1.2. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш

Фалсафанинг умумий қонуниятларига кўра, ҳар бир нарсада мантиқ ётади. Унинг категорияларидан бири сабаб ва оқибат бўлиб, унга кўра ҳар бир оқибат муайян шарт-шароитлардан, сабаблардан вужудга келади. Ўз навбатида, сабаб ва шарт-шароитлар муайян оқибатлар туғдиради.

Билишнинг мазкур диалектик қонуниятларига асосланадиган бўлсак, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш қатор ҳуқуқий оқибат-ларни келтириб чиқаради. Аслини олганда, ҳуқуқий оқибатларсиз ҳам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг ўзиёқ нақадар жирканч, нақадар аянчлидир. Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидлангани истрадикки, мазкур масала ҳақида гап кетганда, Ғарб ва Шарқ мамлакатадаги, хусусан ўзбек миллати минталитетидаги ўзига хосликлар ҳам эътиборга моликдир.

Маълумки, оила ҳуқуқи бола манфаатларини устувор деб билади. Шу маънода, оидалаги муҳит, шароит бола манфаатларига зид бўлса, юқорида айтганимиздек қонунчилик уни ушбу оилада, ша-роитда қолишига йўл қўймайди. Аслида юқоридаги мавзу бўйича қалам тебратишдан кўзланган мақсад ҳам ота-она қарамоғидан маҳ-рум бўлган болаларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни аниқлаш, жойлаштириш шаклларини ўрганишдан иборат. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлик тўғрисида вужудга келадиган ҳуқуқий оқибатлар ва бунда асосий эътибор болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари нима бўлади, уларнинг тақдири қандай бўлади? – мазкур саволларга жавоб излашдан ва улар бўйича муайян жавоб беришдан иборатдир.

Бола ўз ота-онаси томонидан тарбияланиши, унинг манфаатлари таъминланиши, ҳар тарафлама камол топиши, инсоний кадр-қиммат-лари ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга. Шу маънода болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш уларнинг ота-оналари зиммасига юкла-тилади. Боланинг ота-онаси бўлмаганда ёки биз сўзлаётганимиздек, улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ва бола ота-она қара-моғидан маҳрум бўлган ҳолларда унинг оилада тарбияланиш ҳуқуқи васийлик ва ҳомийлик органи томонидан таъминланади.

Васийлик ва ҳомийлик органлари маҳаллий органлар бўла олади. “улар вояга етганларга нисбатан васийликни амалга

ошириши: ёш болаларга нисбатан – халқ таълими бўлимларига; рухий касал ва ақли заифларга нисбатан – соғлиқни сақлаш бўлимларига; васийликка олувчиларнинг бошқа тоифаларига нисбатан эса - ижтимоий таъми-нот бўлимларига юклатилади”^{21[21]}.

Маълумки, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”^{22[22]}, “Бо-ла ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”^{23[23]}ларда айтилганидек, “...барча одамлар эркин, кадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилдилар”.

Ушбу халқаро ҳужжатларда боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи алоҳида нормаланган. Вояга етмаган бола қонунга мувофиқ тўла муомала лаёқатига эга деб эътироф этилса, табиийки, у ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек ҳимоя ҳуқуқини мустақил амалга ошира олади. Бола ота-оналар томонидан қилинадиган суиистеъмол-ликлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Масалан, болаларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, жисмоний куч ишлатиш, рухий таъ-сир кўрсатиш, боланинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилиш қабилар. Айнан Оила кодексининг 79-моддаси 4-хатбо-шисиди, “ота-она ота-оналик ҳуқуқини суситеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки рухий таъсир кўрсатса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин”лиги нормаланган.

Шуниси муҳимки, боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она (ёки улардан бири) боланинг таълим-тарбиясида ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганида ё бўлмаса ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганида бола ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилини-шини сўраб васийлик ва ҳомийлик органига, 14 ёшга тўлгандан кейин эса, мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органи ёки суд боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тегишли чоралар кўриши шарт.

Ҳозирги вақтда дунёнинг ривожланган мамлакатлари, хусусан, Ғарбий Европада, АҚШда болаларни шахс сифатида камол топиш жараёни тезлашмоқда. Бу ҳолат, аниққса,

^{21[21]} И.Зокиров. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. -Т.: Адолат. 1996. -42 бет.

^{22[22]} Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция. Human right fact sheet 10 the rights of the child тўплами. Женева, 1991 йил. -Т.: Адолат. 1996 йил.

^{23[23]} Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция. Human right fact sheet 10 the rights of the child тўплами. Женева, 1991 йил. -Т.: Адолат. 1996 йил.

болаларнинг маънавий дунёсида индивидуализм (ҳар бир масала бўйича ўз қарашларига эгаллик, бошқаларнинг таъсирида бўлмасликка интилиш, маълум маънода худбинлик, бошқалар манфаатини ҳисобга олмасдан ўз манфаатларини устувор қўйиш) хусусиятларининг яққол кучайишида намоён бўлмоқда. Бу ҳолат ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларга эга. Салбий жиҳати шундан иборатки, бунда асрий баҳс – оталар ва болалар ўртасидаги зиддият чуқурлашади, болаларнинг катталар таъсиридан чиқиши кутилмаган ва баъзан мудҳиш оқибатларга олиб келади. Ижобий томони шундаки, болалар катталар, айниқса, ота-оналар уларга нисбатан ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилишларига йўл қўймайдилар. Масалан, сўнгги йилларда Англияда ўзларига нисбатан шафқатсиз муомалада бўлган ота-оналарни судга берган болалар сони анча кўпайди. Албатта, ғарб билан Шарқ минталитети, кадриятлари ўзига хос фарқларга эга. Бироқ, инсон ҳуқуқлари нуқтаи-назаридан олганда болаларни ўз ота-оналари, васий, ҳомийлари ва бошқа қонуний вакиллари билан низолашиш имкониятлари мавжуд-ми? – деган савол туғилиши табиий. Умумий қоида бўйича бола ва ота-она ўртасидаги муносабатларни кузатиб бориш маҳалла, мактаб, кўни-қўшни, участка милиция нозирлари томонидан амалга оширилади. Агар бу муносабатларда нормал табиий-исоний мезонлар бузилса, биринчи галда юқоридаги субъектлар бонг урадилар. Боланинг ҳуқуқларини ҳимояси ҳақидаги масалани ваколатли давлат идоралари (милиция, суд, прокуратура) олдига қўядилар. Боланинг ўзи ҳам юқо-рида кўрсатилган шахсларга ва идораларга ҳимоя сўраб мурожаат этишга ҳақли. Бироқ, юқорида таъкидлаганимиздек, халқимиз бола-жон халқ, ота-она учун фарзанд азиз, бола манфаатлари ҳамма нарса-дан устун. Шу сабабли ота-оналар ўз болаларини қаровсиз ташлаб қўйиши, шафқатсиз муносабатда бўлиши ҳоллари деярли кам учрайди. Кўп ҳолларда, ота-онанинг болани тергаши, назорат қилиши (масалан, муайян шахслар билан мулоқотда бўлмаслик, турли хил зиёфатлар, улфатчиликларга қатнашишни тақиқлаш ва ҳ.к.) бола манфаатлари нуқтаи-назаридан, уни ҳалол, баркамол инсон бўлиб камол топишини кўзлаб амалга ошириладиган ҳаракатлардир.

Биз юқорида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш хусусида сўз юритмоқдамиз.

Умуман олганда, қонун ҳужжатларидаги ҳолатлар ва турмушдаги воқеликлардан келиб чиқиб, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилган.

Васийлик ва ҳомийлик органлари ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлайди, бундай болаларни ҳисобга олади ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳар бир ҳолатга қараб, болаларни жойлаштириш шакллари танилади, шунингдек, бунда буён уларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш шарт-шароитларини назорат қилиб боради.

Васийлик ва ҳомийлик органидан ташқари бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш бўйича фаолият юритишига йўл қўйил-майди.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар борлигидан хабар-дор бўлган муассасалар (мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим муассасалари, даволаш ва бошқа муассаса)ларнинг мансабдор шахслари ва бошқа фуқаролар бу ҳақда болалар турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига хабар беришлари шарт. Васийлик ва ҳомийлик органи бундай хабар олган кундан бошлаб уч кун ичида боланинг турмуш шароитини текшириб чиқиши шарт бўлиб, бунда бола ота-она ёки қариндошлари қарамоғидан маҳрум бўлганлигини аниқласалар, уни жойлаштириш масаласи ҳал бўлгунга қадар бола-нинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминглаши шарт бўлиб ҳисобланади.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар оила (фарзандлик-ка олиними, васийлик, ҳомийлик белгиланиши ёки тутинган оила)га берилиши, бундай имконият бўлмаганда эса, етим болалар ёхуд ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун тайинланган муас-сасалар (тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш муассасалар)га тарбияга берилиши лозим.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага ёки тар-биялаш муассасаларига тарбиялаш учун жойлаштириш масаласи ҳал бўлгунга қадар васийлик (ҳомийлик) мажбуриятларини бажариш вақтинча васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилади.

Собиқ советлар ҳукумронлик қилган йилларда уч субъектнинг бири, яъни давлат ўз позицияларини шунчалик мустаҳкамлаган

эди-ки, оқибатда қолган субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаат-лари “иккинчи план”га тушиб қолган эди. Бугунги кунда, Ўзбекистонда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади^{24[24]}.

Демак, бугунги хулоса шундайки, инсон ва унинг манфаатлари бизнинг мамлакатимизда биринчи ўринда туради. Тўғри, бу ўринда давлатнинг ҳам мавқеини пасайтирмаймиз. Назарийётчилар айтгани-дек, давлатнинг асосий ижтимоий вазифаси унинг худудида истиқо-мат қилаётган барча фуқаролар, миллатлар ва эллатлар, ижтимоий ва этник гуруҳларнинг жипслигини таъминлашдан иборат экан, давлат бу соҳадаги ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунчилик принциплари асосида амалга оширади.

Демак, гап фуқаронинг шахсий номулкий ҳуқуқларига бориб тақалмоқда.

Шахсий номулкий ҳуқуқлар деганда, шахсдан ажратиб, бегона-лаштириб бўлмайдиган, мулкий характерда бўлмаган ҳуқуқлар тушу-нилади^{25[25]}.

Дарвоқе, шахсий номулкий ҳуқуқлар юриспруденцияда фуқаро-лик-ҳуқуқий муносабатлар предметининг таркибий қисмини ташкил қилса, оилавий-ҳуқуқий муносабатларда эса асосий қисми ташкил қилади.

Шахсий-номулкий ҳуқуқлар ҳам ўз навбатида икки туркумга: мулкий муносабатлар билан боғлиқ бўлган шахсий муносабатларга, мулкий муносабатлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатларга бўлинади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш шакллари ҳам бевосита шахсий номулкий муносабатлар таркибига кириб кетар экан.

Мулкий муносабатлар билан боғлиқ бўлган шахсий муносабат-ларга мисол қилиб, интеллектуал фаолият натижаларга бўлган ва муаллифлик ҳуқуқига доир муносабатларни кўрсатса бўлади. Бу муносабатлар фақат мулкий ҳуқуқларнигина эмас, балки уларнинг шахсий ҳуқуқларини ҳам, чунончи, асарни ўз номи билан

^{24[24]} Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 13-модда. -Т.: Адолат. 1999 йил.

^{25[25]} И.Зокиров, О.Оқюлов, М.Баратов. Фуқаролик ҳуқуқи: саволлар ва жавоблар. -Т.: ТДЮИ. 2003. -87 бет.

ёки номини кўрсатмасдан аноним тарзда нашр этиш, асарнинг дахлсизлиги ҳуқуқлари, ихтиронинг муаллифи бўлиб танилиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларни ҳам белгилайди.

Мулкый муносабатлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатлар ФКнинг 100-моддасида кўрсатилган шаън, кадр-қиммат ва ишчанлик обрўси билан боғлиқ муносабатлардан иборат. Яъни, фуқаронинг ушбу ажралмас ҳуқуқларига путур етказувчи маълумот-ларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, фуқаро суд орқали раддия талаб қилишга ҳақли.

Мулкый характерда бўлмаган шахсий муносабатлар шахснинг ўзи билан бевосита боғлиқ бўлган ҳуқуқлардир. Одатда, шахсий-номулкий ҳуқуқларни фуқаролик ҳуқуқининг бошқа объектлари син-гари товарларнинг умумий эквиваленти ҳисобланган пулга (муайян суммадаги пулга) алмаштириб, тенглаштириб бўлмайди. Шахсий-номулкий ҳуқуқларга шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва кадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сир, номга, тасвирга бўлган ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи кабилар киради.

Амалдаги қонунчиликка кўра, фуқаро ёки ташкилот ўз шаънига доғ туширадиган ва кадр-қимматини, ишчанлик обрўсини пастга урадиган маълумотларнинг, агар ана шу маълумотларни тарқатувчи шахс уларнинг ҳақиқат эканлигини исбот қила олмаса, ҳуқуқи бузилган шахс суд орқали раддия талаб қилишга ҳақлидир. Бунда қонунан шахсий ҳуқуқларни ҳимоя қилишда шахснинг жамиятда ўз меҳнати билан тутган ўрни, топган обрўсини назарда тутди. Фуқаролик қонунчилигида бундай қоидаларнинг бўлиши шахсларнинг ҳуқуқлари яна ҳам кенгроқ ҳимоя қилинишига алоҳида эътибор берилганлигини билдиради.

Шаън – фуқаронинг муайян даражада тақдирланиши, унинг ижтимоий ҳолатидир. Кадр-қиммат эса мазкур ҳолатнинг соҳиби онгида акс эттирилиши, яъни, жамият томонидан тақдирланишига кўра, шахснинг ўз-ўзига берган баҳосидир.

Ишчанлик обрўси жисмоний ёки юридик шахснинг фуқаролик муомаласида иштирок этганидаги инсофли ёки инсофсиз ҳаракат қилишини билдиради.

Бирон-бир фуқаронинг ёки ташкилотнинг номига, шаънига доғ туширишга, бадном қилишга, кадр-қимматини пастга урадиган маълумотларни тарқатишга қонун йўл қўймайди. Бундай ҳолларда

ҳуқуқлари бузилган шахсларнинг, жиноят қонунчилиги нормалари (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 139-140-моддалари) билан қўриқ-ланиши-қўриқланмаслигидан қатъи назар, фуқаролик қонунчилиги билан ҳимоя қилинади.

Ҳар қандай салбий маълумотлар шаън ва қадр-қимматни, ишчанлик обрўсини пастга урадиган ёки унга доғ туширадиган маълумотлар ҳисобланавермайди. Фуқаролик қонунида назарда тутилган маълумотлар, биринчидан, бировнинг шаънига доғ туширадиган ёки қадр-қимматини, ишчанлик обрўсини пастга урадиган бўлиши, иккинчидан, бу маълумотларнинг тарқатилган бўлиши ва, учинчидан, мазкур маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмайдиган бўлиши керак.

Фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар қайси оммавий-ахборот воситаларида тарқа-тилган бўлса, айти шу оммавий ахборот воситаларида раддия бери-лиши лозим.

Бундай маълумотлар ташкилотдан олинган ҳужжатда учраса, бундай ҳужжат алмаштирилиши ёки чақириб олинishi керак.

Бошқа ҳолларда раддия бериш тартиби суд томонидан белгила-нади, лекин у обрўга путур етказувчи маълумотларни тарқатиш усулига ва характерига мувофиқ бўлиши шарт.

Демак, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳозирги кунда ўта долзарб ва ечимини кутаётган муаммолардан бири бўлиб ҳисобланар экан. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-она қайси болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқи-дан маҳрум қилинган бўлса, шу болага нисбатан бўлган қариндошлик фактига асосланган барча ҳуқуқлардан, шу жумладан, ундан таъ-минот олиш, шунингдек болали фуқаролар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ота-онани ўз боласига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг (улардан бирининг) бундан кейин бола билан биргаликда яшаш-яшамаслик масаласи суд томонидан уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Ота-онаси (улардан бири) ўзига нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бола, агар у фарзандликка олинган бўлмаса, турар-жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар-жойдан

фойдаланиш ҳуқуқи-ни сақлаб қолади, шунингдек ота (она)си ва бошқа қон-қариндош-лари билан туғишганлик фактига асосланган барча мулкӣ ҳуқуқла-рини, жумладан, мерос олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Болани ота ёки онасига беришнинг имконияти бўлмаган ёки ота-онанинг ҳар иккаласи ҳам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган тақдирда, бола васийлик ва ҳомийлик органининг қарамоғига олиб берилади.

Ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган-да болани фарзандликка олишга ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори чиқарилган кундан кейин камида олти ой ўтгач йўл қўйилади.

Суднинг қарорига асосан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлган ота-оналар қариндошлик фактига асосланган барча ҳуқуқлардан маҳрум бўладилар. Ушбу ҳуқуқлар уч гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга қуйидагилар киради:

- ўз болаларини шахсан тарбиялаш;
- бола билан кўришиб туриш;
- боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;
- келажакда вояга етган болаларидан таъминот олиш ҳуқуқи;
- вафот этган боласидан қонун бўйича мерос олиш.

Иккинчи гуруҳга давлат томонидан шахсан ота-оналарга бериладиган қуйидаги имтиёзлар киради:

- дам олиш кунлари меҳнатга жалб қилишни чеклаш;
- қўшимча таътил бериш, белгиланган имтиёзли меҳнат режаси-ни қўллаш;
- бола уч ёшга тўлгунича уни парвариш қилиш учун бериладиган таътилдан фойдаланишлик;
- болага 14 ёшга тўлгунга қадар белгиланган тўлиқ бўлмаган иш куни ёки иш ҳафтасини қўллаш;
- беш ва ундан кўп бола тукқан ва тарбиялаган оналарга имтиёз-ли пенсиялар бериш ва давлат томонидан белгиланган бошқа имтиёзлар.

Учинчи гуруҳ таркибига болалари бўлган ота-оналар учун давлат томонидан бериладиган турли нафақа ва ёрдамлар киради. Булар:

- болалари бўлган фуқароларга давлат томонидан бериладиган моддий ёрдам ва нафақалар;

- бола икки ёшга тўлгунча меҳнат билан банд бўлган аёлларга болалари учун бериладиган нафақалар;

- 15 ёшга тўлмаган боланинг касаллиги билан боғлиқ вақтинча меҳнатга яроқсизлик бўйича бериладиган нафақа ва бошқалар киради.

Юқорида келтирилган оқибатлар сабабли ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлган болалар ўзларига тегишли ҳуқуқ ва манфаатларнинг ҳимоя қилинишини ва амалга оширилишини тегишли тартибда сақлаб қоладилар.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ота-оналарнинг ноқонуний ҳаракати қайси вояга етмаган болага нисбатан содир қилинган бўлса, фақат шу болага тааллуқли бўлади. Бошқа вояга етмаган болоаларга нисбатан эса, ота-оналик ҳуқуқи тўла сақланиб қолади.

Ота-оналик ҳуқуқи болалар вояга етгунига қадар ота-она томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ҳуқуқ ҳисобланади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки она, аввало, шу вояга етмаган болага нисбатан шахсан уни тарбиялаш ҳуқуқидан маҳрум бўлади, шунингдек болани тарбиялаш билан боғлиқ бўлган ваколат-лардан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган болалари фуқароларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган турли хил имтиёзлардан, нафақа ва моддий ёрдам олиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки она, кексайиб қолганда, меҳнатга қобилиятсиз ва ёрдамга муҳтож бўлиб қолганда вояга етган болаларидан таъминот талаб қилиш ҳуқуқини ҳам йўқотади.

Маълумки, ота-оналик ҳуқуқи ота-оналарнинг мажбуриятлари билан ўзаро узвий боғлиқ бўлади. Чунки болаларни тарбиялаш ва уларга таъминот бериш бўйича ота-оналар зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилиши улар томонидан ота-оналик ҳуқуқларини амалга оширилиши ҳисобланади. Аммо, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, мазкур ота-онанинг айби ва ноқонуний ҳаракати оқибатида бўлгани сабабли, улар ота-оналик мажбуриятидан тўлиқ озод қилинмайдилар. Вояга етмаган болаларни таъминлаб туриш мажбурияти, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки онанинг бўйнида сақланиб қолади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки она ўз болаларига таъминот бериш мажбуриятидан озод бўлмайди. Чунки бу

мажбуриятнинг мақсади вояга етмаган болани таъминлашдан иборатдир.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки онанинг бола билан биргаликда бир жойда яшаш ёки яшамаслиги масаласи ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги ишни кўрган суд томонидан ҳал қилинади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки она билан вояга етмаган боланинг бирга яшаши боланинг тарбия-ланишига салбий таъсир ўтказмайди, деган хулосага келган суд масалани ота ёки она фойдасига ижобий ҳал қилиши мумкин. Ота-оналик ҳуқуқидан ота ва онанинг ҳар иккаласи маҳрум қилинганида ёки вояга етмаган болани ота-оналик ҳуқуқи сақланиб қолган ота ёки онасига беришнинг имконияти бўлмаган ҳолларда бола васийлик ва ҳомийлик органининг қарамоғига уни тегишли жойга жойлаштириш масаласини ҳал қилиш учун берилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишлик бундай ота-онанинг уй-жойга бўлган ҳуқуқига тааллуқли эмас. Аммо, қонунда белгиланган айрим ҳолларда бундай ота ёки она уй-жойдан кўчирилиши мумкин. Бундай ҳолларда уй-жойдан кўчириш манфаатдор тарафнинг ёки прокурорнинг талаби билан амалга оширилиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар болаларни фарзандликка олиш, васий ёки ҳомий бўлиш ҳуқуқларидан маҳрумдирлар.

Ота-оналик ҳуқуқи маҳрум қилинган ота-онанинг боласи фарзандликка олинмаган бўлса, отаси ёки онасининг турар-жойига бўлган ўзининг мулкӣ ҳуқуқини ёки турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Фарзандликка олинмаган бола, шунингдек ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган отаси ёки онасига ва туғишганлик фактига асосланган бошқа қариндошларга нисбатан бўлган барча мулкӣ ҳуқуқларни, шу жумладан мерос олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Айни вақтда оила қонунчилиги жуда “бешафқат эмас”. Қайтанга, оила қонунчилигининг вазифалари оилани мустаҳкамлашдан, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжи-ҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила унинг барча аъзолари-нинг маъсуллиги ҳисси асосида қуришдан, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашishiга йўл қўймасликдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширишини ҳам-да бу ҳуқуқларнинг ҳимоя

қилиниши таъминлашдан иборатдир. Шу маънода оила қонунчилиги ота-оналик ҳуқуқини тиклаш институтини ҳам нормалайди.

Ота-она (улардан бири) ўз хулқ-атворини, турмуш тарзини (ёки) бола тарбиясига бўлган муносабатини ўзгартирган ҳолларда ота-оналик ҳуқуқи тикланиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг (улардан бирининг) даъвосига биноан суд тарти-бида амалга оширилади. Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги ишлар васийлик ва ҳомийлик органининг, шунингдек прокурорнинг иштирокида кўриб чиқилади.

Ота-онанинг (улардан бирининг) ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъвоси билан бирга болани ота-онага (улардан бирига) қайтариш тўғрисидаги талаби ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Агар ота-оналик ҳуқуқининг тикланиши бола манфаатларига зид бўлса, суд боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-онани (улардан бирининг) ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъвосини қаноатлантиришни рад қилишга ҳақлидир.

Ўн ёшга тўлган болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқининг тикла-нишига фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади. Бола фарзанд-ликка олинган ва фарзандликка олиш бекор қилинмаган бўлса, ота-оналик ҳуқуқини тиклашга йўл қўйилмайди.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг маълум бир муддати белгиланмайди, у муддатсиз ҳисобланади. Қонун бўйича ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан оилада ҳуқуқий муносабат тугати-лади. Аммо, ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ҳам қонунда назарда тутилган. Бу ҳол, албатта, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки онанинг ўз хулқ-атворини тузатишига қаратилади. Ота ёки онанинг бола билан алоқаси узилмайди, у билан кўришиб туриш, мулоқотда бўлиш унга моддий ёрдам бериб туриш учун ҳаракат тўхтамайди, ман этилмайди.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки онанинг хулқ-атворида бола тарбиясига нисбатан жиддий ўзгаришлар рўй бериши мумкинлиги аниқланса, бундай ҳоллар, албатта, ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги талабларнинг асослилигини кўриб чиқишни талаб қилади.

Маълумки, ота-оналик ҳуқуқидан фақат суд қарори билан маҳрум қилинади. Шу сабабдан, ота-оналик ҳуқуқини тиклаш фақат суд тартибида амалга оширилиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги ишлар даъво ишлари-ни юритиш тартибила кўрилади. Даъвогар сифатида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки она, жавобгар сифатида эса, боланинг кимнинг ҳомийлигида туришига қараб, ота-оналик ҳуқуқи сақланган ота ёки она, шунингдек, васийлик ва ҳомийлик органи бўлиши мумкин. Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки онанинг даъво аризасига биноан суд томонидан васийлик ва ҳомийлик органи, шунингдек прокурорнинг иштирокида кўриб ҳал қилинади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки онанинг ҳулқ-атвори тузалганлигига, унинг ҳаётида жиддий ижобий ўзгаришлар содир бўлганлигига ишониб, унга бола тарбиясини ишониш мумкин деган хулосага келган суд, ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради. Шу билан бирга болани ота-онасига қайтариш тўғрисидаги масалани ҳал қилади.

Бошқа шахслар томонидан фарзандликка олинган болаларга нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки онанинг ҳуқуқи тикланиши мумкин эмас. Бу, албатта, вояга етмаган боланинг манфаатини кўзлаб амалга оширилади. Чунки фарзандликка олинган боланинг тарбиясини ўз зиммасига олган фарзандликка олувчининг манфаатларига ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки онанинг манфаатини қарши қўйиш билан, янги оилада тарбия топган муно-сабатларнинг бузилишига йўл қўймаслиги керак. Фарзандликка олиш бекор қилинмасдан туриб ота-оналик ҳуқуқини тиклаш мумкин эмас. Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш бола манфаатига зид бўлмаслиги керак ва албатта боланинг фикри ҳисобга олиниши шарт. Ўн ёшга тўлган боланинг фикри ҳисобга олиниши шарт. Ўн ёшга тўлган боланинг розилиги бўлмаса, ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъво суд томонидан қаноатлантирилмаслиги мумкин.

Демак, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш қатор ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаради. Мазкур параграфни ёритиш асосида қуйидаги хулосаларга келдик.

Биринчидан, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш оқибатларини умуман олганда икки йирик туркумга бўлиш мумкин:

- шахсий ҳуқуқий оқибатлар;
- мулкӣ ҳуқуқий оқибатлар.

Иккинчидан, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ота-она қайси болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, шу болага нисбатан бўлган қариндошлик фактига асосланган барча ҳуқуқлардан маҳрум бўлади.

Учинчидан, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишни ота-онани ўз боласига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

Тўртинчидан, ота-онанинг иккаласи ҳам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, бола васийлик ва ҳомийлик органининг қарамоғига олиб берилади.

Бешинчидан, ота-она (улардан бири) ўз ҳулқ-атворини, турмуш тарзини ва бола тарбиясига бўлган муносабатини ўзгартирган ҳоллар-да ота-оналик ҳуқуқи тикланиши мумкин.

II БОБ. ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

2.1. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга васий ва ҳомий белгилаш

Биз ушбу рисола орқали ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳимоя қилувчи органлар ва уларни ҳимоя қилиш усуллари хусусида батафсил тўхталиб ўтмоқчимиз.

Биринчи навбатда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлишга қуйидаги омиллар сабаб бўлиши мумкин:

Ота-она вафот этганда. Маълумки, болани тарбиялаш ота-она вазифасидир. Бола ўз ота-онасидан тарбия олиш ҳуқуқини давлат ота-онаси вафот этиб қаровсиз қолган болага васий ёки ҳомий тайинлаш орқали таъминлайди.

Ота-онаси суд қарори билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганида ёки уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чеклаганда. ОҚнинг 79-моддасида ота-она (улардан бири)нинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиши асослари кўрсатилган бўлиб, улар қуйидагилардир:

- ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг^{26[26]} тушунтиришича, ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ота-оналик бурчларини узлуксиз равишда бажармаслик, ўз болаларига қандай бўлмасин ғам-хўрлик қилмасликни англатади. Табиийки, бундай ҳаракат (ҳаракат-сизлик) болани ҳалокатга олиб келиши мумкин;

- узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғуруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муас-сасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса. Бу ҳолат “туғуруқхона ва болаларни даволаш профилакторияси ва ўқув-тарбия муассасаси комиссиялари

^{26[26]} ”Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарори.//Қонун номи билан. 1998.№3. -34 бет.

томонидан тегишли тартибда расмийлаштирилган бўлиши лозим”;^{27[27]}

- ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан, жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса. Ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилиш деганда, бу ҳуқуқлардан болаларнинг манфаатларига зид равишда фойдаланишни, масалан, ўқишга, жамоат топшириқларини бажариш-га тўсқинлик қилишни, тиланчиликка ундашни; уни спиртлик ичим-ликлар ва наркотик моддалар истеъмол қилишга ундашни, жиноят қилишда, жиноий йўл билан даромад топишда вояга етмаганни жалб қилишни тушунмоқ керак, – дейилади Пленум қарорида.

- муттасил ичикликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса. Бундай асос билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш жавобгарни муомалага лаёқати чекланган деб танилганидан қатъи назар амалга оширилиши мумкин;

- ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини) нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса.

Ота-оналик ҳуқуқини чекланиши эса суд томонидан боланинг манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда, ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмай туриб, бола ота-онадан ёки уларнинг биридан олиниши тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилиши билан амалга оширилади. Оила қонунчилигига биноан, агар ота-оналик ҳуқуқи чеклангандан сўнг ўз ҳулқ-атворини ўзгартирмаса, васийлик ва ҳомийлик органи суд томонидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво такдим этади.

Ота-онаси касал бўлганда. Ушбу сабаб ота-она қарамоғидан бўлишнинг объектив сабаби ҳисобланади (ота-она вафоти, озодликдан маҳрум қилиш каби). Оғир дардга чалинган ота-она фарзандининг тарбияси билан шуғулланишга имкон топмагач, боланинг ҳаёти, соғлиғи учун хавф туғила бошлайди. “Бундай ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ота-онаси томонидан кўрсатилган шахсни васий ёки ҳомий этиб тайинлаши лозим”^{28[28]}. Бу фикрга қўшилган ҳолда, шуни ҳам айтиб ўтмоқчимизки, касал бўлиб қолган ота-она жисмонан боласига ғамхўрлик қила олмайди.

^{27[27]} “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарори.//Қонун номи билан. 1998..№3. -34 бет.

^{28[28]} М.В.Антокольская. Семейное право. -М.: Юрист. 2000. -307 бет.

Бошқа жиҳатдан эса, ўз ҳаракатлари оқибатларини тўлиқ англаб етади ва кимлар фарзандига муносиб тарбия бера олишини билади.

Ота-онаси суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилганда. Бундай ҳолларда ота-онанинг ўзига ҳомийлик тайинланиши лозим бўлади. Болалар ота-оналаридан олиниб, васийлик ва ҳо-мийлик органининг қарамоғига топширилади, чунки ота-она ихтиёри-да қолдириш бола учун хавфли бўлиши мумкин.

Ота-онаси олти ойдан ортиқ муддат бўлмаган ҳолларда, агар бу болаларнинг манфаатлари учун зарур бўлса. «Бола ҳуқуқлари тўғри-сида»ги Конвенцияга ва Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига биноан, бола ўз ота-онаси билан бирга яшаш ва уларнинг ғамхўрли-гидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. Аммо ҳаётда баъзи сабабларга кўра бола ота-онаси ғамхўрлигидан маълум муддатга маҳрум бўлиб қолиши мумкин. Одатда, васийлик ва ҳомийлик қисқа муддатга эмас, балки бола маълум ёшга етгунга қадар тайинланади. Ушбу ҳолат умумий қоидадан мустасно бўлиб, болага нисбатан қисқа муддатга унинг ота-онаси қайтгунга қадар – муддатга васий ва ҳомий тайин-ланишини назарда тутати. Лекин ота-она болаларини қариндошлари ёки бошқа яқин кишилари ихтиёрига қолдирсалар, болаларга васий-лик ёки ҳомийлик тайинлаш шарт эмас.

Ота-она бедарак йўқолганда. Ўзбекистон Республикаси Фуқаро-лик кодексининг 33-моддасига биноан, агар фуқаронинг қаердалиги ҳақида унинг яшаш жойида бир йил давомида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ суд бу фуқарони бедарак йўқолган деб топиши мумкин.

Болаларнинг оилаларда тарбияланишининг катта аҳамиятга эга эканлиги туфайли тарбия беришнинг фарзандликка олиш ва васийлик (ҳомийлик) тайинлаш шакллари кенг тарқалган. Бироқ, фарзандликка олиш учун бир неча шартлар мавжуд бўлганлиги боис, уни амалга ошириш мураккаброқ кечади. Баъзи ҳолларда, эса (ота-оналарнинг вақтинча боладан узоқда бўлиши) болаларни жойлаштиришнинг бун-дай шаклини танлаш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Болалар тарбияси учун қонун ёки махсус ҳужжат билан маъсул шахс бўлиши талаб қи-линар экан, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳамда ҳали болалар муассасаларига жойлаштирилмаган болаларга васий (ҳомий) тайин-ланиши лозим бўлади. Васий (ҳомий) тайинланиши билан ушбу шахсга бола

тарбияси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар берилади. Кўриниб турганидек, васийлик (ҳомийлик) болаларни оилада тарбиялашнинг энг қулай шаклидир. Баъзан эса болани васийлик (ҳомийлик)ка олган шахслар билан бола ўртасида жуда яқин муносабатлар пайдо бўлиб, васий (қомий) болани фарзандликка олган ҳоллар ҳам учраб туради.

Демак, ота-она ўз боласига тарбия бериш каби вазифасини бажа-ра олмаса ёки бажармаса васийлик ва ҳомийлик органлари бу болага нисбатан васийлик (ҳомийлик) белгилаб, унинг оилада тарбиялани-шини таъминлаб бериши лозим.

Васийлик ва ҳомийлик фуқаролик ҳуқуқи институти сифатида намоён бўлганда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Баъзан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатида иштирок этиши лозим бўлган айрим фуқаролар тўла муомала лаёқати ёшига етган бўлсалар-да, ўзларида мавжуд бўлган баъзи бир ақлий ва рухий камчиликлар туфайли муомалага лаёқатсиз бўладилар. Шунинг учун бундай шахслар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатда иштирок этадиган бўлсалар, ўзларининг ҳатти-ҳаракатларини лозим даражада юрита олмайдилар, чунки улар нормал ҳаракат қила олмайдилар, ўз ишлари юзасидан муносиб ҳисоб бера олмайдилар, шунингдек манфаатларига зиён етказилаётганлиги-ни англай олмайдилар. Бундай ҳолларда уларга нисбатан бошқалар-нинг ғамхўрлик қилиши керак бўлади. Бундай фуқаролар устидан тегишли назорат олиб бориш, уларга ёрдам бериш ва васийлик қилиш учун махсус кишилар ҳамда муассасалар жалб қилинади.

Систематик равишда ичкиликка берилиш ва гиёҳвандлик воси-таларини суиистеъмол қилиш туфайли ўзига қарашли мулкни беҳуда исроф қилувчи ва оила аъзоларини тирикчилик маблағларидан маҳ-рум этувчи шахснинг муомала лаёқати суд йўли билан чекланиши мумкин. Уларга нисбатан ҳомийлик белгиланади. Бундай фуқаро майда маиший битимларни ўзи мустақил тузишга ҳақли бўлиб, бошқа барча мулкий характердаги битимларни тузиш, шу жумладан иш ҳақини ҳам тасарруф этиш учун ҳомийсининг розилигини олиши лозим.

Агар болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш оқибатида ота-онанинг ҳулқ-атвори бола учун хавф туғдирса, ота-онани (улар-дан бирини) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун эса етарли асослар аниқланмаган тақдирда ҳам ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади. Агар ота-она (улардан бири) ўз

хулқ-атворини ўзгар-тирмаса, васийлик ва ҳомийлик органи суд томонидан ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори чиқаргандан кейин олти ой ўтгач, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво тақдим этиши шарт. Васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ман-фаатларини эътиборга олиб ота-онани (улардан бирини) бу муддат ўтмасдан туриб, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида даъво тақдим этишга ҳақли.

Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги даъво боланинг яқин қариндошлари, вояга етмаган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти қонун билан зиммасига юклатилган органлар ва муасса-салар, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим муассасалари ва бошқа муассасалар, шунингдек прокурор томонидан тақдим этилиши мумкин.

ФПКнинг 199-моддасида прокурорнинг хулосаси берилган бўлиб, унга биноан ишда иштирок этувчи прокурор ишнинг тўла моҳияти бўйича ўз хулосасини бериши, прокурорнинг бошқа шахслар ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берган аризаси бўйича қўзғатилган ишлар эса бундан мустасано эканлиги белгиланади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ота-онани болаларни таъминлаш мажбуриятидан озод этмайди. Шу туфайли даъво қўзғатилган-қўзғатилмаганлигидан қатъи назар биргаликда ҳал этилиши шартлиги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори-да кўрсатиб ўтилган^{29[29]}.

Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ишлар прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида кўрилади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, васийлик ва ҳомийлик органлари васийликка ёки ҳомийликка берилаётган шахс тўғрисида ҳуйидаги ҳужжатларни тайёрлаб берадилар:

- туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома (паспорт) нусхаси;

- ота-онанинг ўлими ҳақидаги гувоҳномалар нусхаси ёки ота-онасининг ёки улардан бирининг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этил-ганлиги, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлиги ёхуд бедарак йўқолган деб топилганлиги ҳақидаги суд қарори;

^{29[29]} Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 1998 йил 11 сентябрдаги 23-сонли қарори.//Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 1998.№3. -30-40 бетлар.

- ота-оналарнинг болаларни тарбиялашдан ва таъминотдан бўйин товлаганлиги ҳақидаги, ота-оналарга қидирув эълон қилинганли-ги ҳақидаги ҳужжаталр, ички ишлар, даволаш муассасалари ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларнинг болаларнинг ота-онасиз қолганлиги тўғрисидаги далолатномалари;

- саломатлиги тўғрисида тиббий муассасанинг хулосаси;

- васийлик ва ҳомийлик органининг болани васийлик ёки ҳомий-ликка олишни хоҳлаётган оиланинг маиший турмуш шароитлари оила аъзоларининг саломатлиги ва оиланинг бошқа шароитлари тўғрисидаги текширув далолатномалари тақдим этилиши даркор^{30[30]}.

Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ишларни кўришда суд ота-онадан (уларнинг биридан) боланинг таъминоти учун алимент ундириш масласини ҳал қилади.

Вояга етмаган болани, унинг отаси ё онасини ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилмасдан суднинг ҳал қилув қарори билан уни ота-онасидан (уларнинг биридан) олиб қўйилиши ота-оналик ҳуқуқини чеклаб қўйиш ҳисобланади. Бундай қарор боланинг манфаатига қара-тилган бўлиб, ота ёки онанинг вояга етмаган боласини шахсан ўзи тарбиялаши ҳуқуқи чекланиб қўйилади.

Ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмасдан аввал вояга етмаган болани отаси ва онасидан ёки уларнинг биридан олиш ҳақида қарор чиқарилганда суд, аввало боланинг манфаатини ҳисобга олади.

Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш боланинг ота-онаси (улардан бири) га нисбатан қўлланилади, ота-она ўрнини босувчи шахслар (фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар, тарбияга олувчилар) га нисбатан жорий қилинмайди.

Ота ёки онанинг руҳий касаллиги, сурункали касалга чалинган-лиги ва бошқа оғир ҳолатларни бошдан кечириши сабабларига кўра, вояга етмаган боланинг тарбияси ва ҳаёти учун хатарли шароит ота ёки онанинг ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра вужудга келиши мумкин. Бундай ҳолда болани ота ёки она билан қолдириш хавфли бўлади ва шу сабабдан ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади.

Бундан ташқари ота ва онанинг ёки улардан бирининг ҳуқуқ-атворида бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатиш хавфи туғилса,

^{30[30]} Ўзбекистон Республикасида Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12-апрелда 171-сонли қарори билан тасдиқланган.

аммо уларни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун етарли асос бўлмаса, бундай ҳолда болани ота ёки она билан қолдирмасдан ота-оналик ҳуқуқи чекланиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги суднинг қарори чиққандан кейин ҳам вояга етмаган боланинг ота-онаси ёки улардан бири ўзларининг ҳулқ-атворини яхшилашга ҳаракат қилмаган тақдир-да, васийлик ва ҳомийлик органи олти ойдан кейин бундай ота ёки онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисида судга даъво ари-за билан мурожаат қилишлари шарт. Боланинг манфаатини ҳисобга олиб, васийлик ва ҳомийлик органи олти ойлик муддат ўтмасдан ҳам бундай ота-онани ёки улардан бирини ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш учун судга даъво ариза билан мурожаат қилишга ҳақли^{31[31]}.

Вояга етмаган боланинг ота-онасининг (улардан бирининг) ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун судга даъво ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи вояга етмаган боланинг яқин қариндошлари, бобоси, бувиси, ака-ука ва опа-сингиллари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Бундан ташқари вояга етмаган боланинг ота-онасининг ёки улардан бирининг ота-оналик ҳуқуқларини чеклаш учун судга муро-жаат қилиш ҳуқуқи мактабгача таълим-тарбия, умумтаълим муассаса-лари ва вояга етмаган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурия-ти қонун билан зиммаларига юклатилган бошқа органлар ва муасса-салар, шунингдек прокурор томонидан амалга оширилиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ишлар, албатта, про-курорнинг иштирокида, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органлари-нинг қатнашувида кўрилиши шарт. Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқиши билан бирга, вояга етмаган бола-нинг таъминоти учун маблағ ундириш масаласи ҳам суд томонидан ҳал қилиниши керак.

Ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота-она болани шахсан тарбиялаш ҳуқуқидан, шунингдек болали фуқаролар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

^{31[31]} Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва тарбияга олиш (патронат) тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12-апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган.

Ота-оналик ҳуқуқининг чекланиши ота-онани болага таъминот бериш мажбуриятдан озод қилмайди.

Ота-онаси (улардан бири) нинг ўзига нисбатан ота-оналик ҳуқуқи чекланган бола турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади, шунингдек ота-она ва бошқа қариндошлари билан туғишганлик фактига асосланган мулк ҳуқуқларини, шу жумладан мерос олиш ҳуқуқини сақлаб қолади^{32[32]}.

Ота-она иккаласининг ота-оналик ҳуқуқи чекланган тақдирда бола васийлик ва ҳомийлик органи қарамоғига олиб берилади.

Аввало, шуни айтиш керакки, ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота-онанинг ёки улардан бирининг вояга етмаган болаларини шахсан ўзлари тарбиялаш ҳуқуқлари чекланиб қўйилади. Бундан ташқари улар қонун ҳужжатларида назарда тутилган давлат томонидан болали фуқароларга бериладиган имтиёзлар ва нафақалардан фойдаланиш ҳуқуқларидан маҳрум бўладилар.

Суд томонидан ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота-оналар ўз бола-ларини тарбиялашга қаратилган биронта ҳам ҳаракатни амалга ошира олмайдилар. Масалан, улар болалари учун ўқув муассасалари ва таълим олиш шаклини танлаш, уларнинг шахсий характерига эга бўлган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўз болалари номидан қонуний вакиллик вазифасини бажариш каби ҳуқуқларга эга бўлмайдилар.

Ота-оналик ҳуқуқини чекланиши муносабати билан ота-она тарбиясидан олинган вояга етмаган болаларнинг турар-жойга бўлган мулк ҳуқуқи ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланади. Вояга етмаган болалар ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота ёки оналари, шунингдек қариндошлари билан туғишганлик фактига асосланган ўзларининг мулк ҳуқуқларини, шу жумладан, мерос олиш ва бошқа ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

Ота-оналарнинг ҳар иккаласининг ҳам ота-оналик ҳуқуқи чекланган тақдирда, вояга етмаган бола тегишли тартибда жойлаштириш учун васийлик ва ҳомийлик органига берилади.

Суд томонидан ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота-онанинг бола-си билан кўришиши унга салбий таъсир кўрсатмаса, бола билан кўришишга рухсат берилиши мумкин. Ота-онанинг бола билан кўришишига васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан ёхуд васий (ҳомий)нинг, боланинг тутинган ота-онаси ёки

^{32[32]} Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига шарҳлар. -Т.: Адолат. 2000.

бола турган муассаса маъмуриятининг розилиги билан йўл қўйилади.

Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш оилавий муносабатларни бутунлай тугатишни билдирмайди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 85-моддасида ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота ёки она ўз боласи билан кўришиб туриш ҳуқуқини ҳамма вақт ҳам сақлаб қолади. Бундай бўлиши муҳим аҳамиятга эга, чунки бу ҳол келажакда ота-она ва болалар ўртасида кўнгилга хуш ёқувчи муносабатлар вужудга келишига сабаб бўлиб қолиши мумкин. Бунда ҳуқуқдан чеклашда ота-оналарнинг айби бўлмаслигини ҳам ҳисобга олиш керак. Аммо, бу ҳуқуқни амалга ошириш васийлик ва ҳомийлик органининг назорати остида ва фақат васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота ёки она ўз боласи билан кўришиши ва мулоқотда бўлиши мумкин. Бундан ташқари ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота ёки онанинг бола билан мулоқотда бўлиши учун, албатта, васий (ҳомий)нинг, боланинг тутинган ота-онаси ёки бола тарбияланиб турган муассаса маъмуриятининг розилиги ҳам талаб қилинади.

Ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота ёки онанинг бола билан мулоқотда бўлиши у билан кўришиб туриши, боланинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин дегна хулосага келган ҳоларда, васийлик ва ҳомийлик органлари бундан кўришишга рухсат бермасликлари ёки мулоқотда бўлишни ман қилишлари мумкин.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, биринчидан, болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш ота-онага (улардан бирига) боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра (руҳиятнинг бузилиши ёки бошқа сурункали касаллик, оғир ҳолатларни бошдан кечириш ва бошқалар) бола учун хавфли бўлса, ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади.

Иккинчидан, болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш оқибатида ота-онанинг хулқ-атвори бола учун хавф туғдирса, ота-онани (улардан бирини) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун эса етарли асослар аниқланмаган тақдирда ҳам ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади.

2.2. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка, оилага тарбияга бериш

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда “...барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғиладилар”, деб белгиланади. Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиши, ўз ота-онасини билиши, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ болага баркамол вояга етиш, соғлом тан ва тафаккурда, ҳеч нарсага алишиб бўлмайдиган ота-онанинг кўз қароғида бўлиб, улар-нинг меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўлиш, ташқи олам-атроф билан ўзига энг яқин кишилар ҳисобланмиш-ота-оналари орқали боғланиш, бу туфайли атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни асл ҳолида тушуниши, идрок қилиш ва хулоса чиқариш, ўзгалар тажовузидан, таҳдидидан муносиб ҳимояланиш имконини беради.

Конституциянинг 64-моддасида айтилганидек, “ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга маж-бурдирлар”. Қонунчилигимизнинг муваффақиятли жиҳатларидан бири шундаки, у бола манфаатларини устувор деб билади. Шу маъно-да агар оиладаги муҳит, шароит бола манфаатларига зид бўлса, қонунчилик уни ушбу оилада, шароитда қолишга йўл қўймайди. Шунингдек, Конституцияда ҳам “давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди...” деб белгиланади.

Ана шундай ҳолларда болани фарзандликка олишга йўл қўйила-ди. 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган ва 1997 йил 1 мартда амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида фарзандликка олиш алоҳида турдаги фуқаролик ҳолати ҳисобланиб, ушбу ҳолатни қайд этиш Фуқаролик ҳолати ҳужжатлари (ФҲДЁ) ни ёзиш органларига топширилганди. Мазкур кодексга 1998 йил 25 декабрда киритилган ўзгартиришларга кўра, фарзандликка олиш ало-ҳида турдаги фуқаролик ҳолати ҳужжатлари сирасидан чиқарилиб, туғилиш, ўлим, никоҳ тузилганлиги, никоҳдан ажралиш каби фуқаро-лик ҳолати ҳужжатларида уларга тегишли ўзгартиришлар киритиш йўли билан ифодаланиши белгиланди.

Хўш, фарзандликка олиш ўзи нима? У қандай ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаради?

Асосан ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ва етим болалар, айни вақтда фақат вояга етмаган болаларнигина уларнинг

манфаатла-рини кўзлаб фарзандликка олинади. Фарзандликка олиш болани фар-зандликка олишни истаган шахсларнинг аризасига биноан ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи (халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот бўлимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – васийлик ва ҳомийлик органларидир) тавсиясига кўра туман (шаҳар) ҳокими қарори билан расмийлаштирилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12-апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган “Фуқаролик ҳолати далолатнома-ларини қайд этиш Қоидалари”да белгиланишича, ФХДЁ органи қабул қилинган ҳужжатлар асосида туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига тегишли ўзгартишларни киритади ва туғилганлик ҳақида янги гувоҳнома беради. Фарзандликка олувчилар боланинг туғилиши қайд этилган дафтарга унинг ота-онаси деб ёзилиши керак. Боланинг манфаатларидан келиб чиқиб, зарур ҳолларда боланинг фамилияси, исми, отасининг исмигина эмас, балки туғилган санаси ҳам бир йил-дан ортиқ бўлмаган фарқ билан ўзгартирилиши мумкин. Агар бола ўн ёшдан ошмаган бўлса, туғилган жойи ҳам Ўзбекистон Республикаси доирасида ўзгартирилиши мумкин.

Вояга етган эркак ёки аёл фуқаролар фарзандликка олувчилар бўлиши мумкин. Қуйидаги шахслар фарзандликка олувчилар бўлмай-дилар:

- ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;
- қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлар;
- асаб касалликлари ёки нарколегия муассасаларида рўйхатда турувчилар;
- фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар;
- қасддан содир қилинган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар.

Қонун ўғай ота ва ўғай она томонидан фарзандликка олиш ҳол-ларидан ташқари ҳолатларда фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслигини шарт қилиб қўяди.

Фарзандликка олинувчининг қариндошлари, фарзандликка оли-нувчи оиласида яшаётган шахс, ака-ука, опа-сингилларни улар ўрта-сидаги қариндошлик алоқаларини бузмасдан фарзандликка

олаётган шахслар, ўгай ота ва ўгай она, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, касаллик, бахтсиз ҳодиса оқибатида фарзандларидан ажралган шахслар фарзандликка олишда устунлик ҳуқуқига эгадирлар. Қоида тариқасида, ўн ёшга тўлган болани фарзандликка олиш учун унинг рози-лиги талаб қилинади. Фарзандликка олиш учун боланинг розилиги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан аниқланади. Агар бола эр-хотиннинг ҳар иккаласи томонидан фарзандликка олинаётган бўлса, бундай ҳолларда хотин (эр)нинг розилиги ҳам талаб этилади. Шу-нингдек, болани фарзандликка олиш учун фарзандликка олинаётган бола ота-онасининг розилиги ҳам талаб этилади. Аммо қуйидаги ҳолларда ота-онанинг розилигисиз фарзандликка олишга йўл қўйи-лади:

- ота-онанинг кимлиги номаълум бўлса;
- ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса;
- ота-она муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса;
- ота-она бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки даво-лаш муассасаларидаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса.

Фарзандликка олинган болалар барча шахсий ва мулкий ҳуқуқ-ларда фарзандликка олувчининг ўз болаларига тенглаштирилади. Ай-ни вақтда фарзандликка олинганлар ва уларнинг ота-онаси (шунинг-дек, қариндошлари) бир-бирларига нисбатан шахсий ва мулкий ҳу-қуқларни йўқотадилар ҳамда ўзаро мажбуриятлардан озод бўладилар.

Фарзандликка олувчилар ўз зиммаларидаги мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаётган ёки уларни лозим даражада бажар-маётган бўлсалар, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилаётган бўл-салар, фарзандликка олинувчиларга нисбатан шафқатсизлик билан муомалада бўлсалар, муттасил ичкиликбозликка ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлсалар, фарзандликка олиш бекор қилинади.

Шуни ҳам эслатиш ўринлики, фарзандликка олиш фуқаролар-нинг мутлоқ эрки ҳисобланиб, фарзандликка олувчига мажбур қилин-майди. Шунингдек, фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш тегиш-ли равишда жинойт қонунчилиги билан таъқиб қилинади.

Боланинг ҳаёти ва соғлиғи бевосита хавф остида қолганда васийлик ва ҳомийлик органи болани ота-онадан (уларнинг

биридан) ёки болани ўз қармоғига олган бошқа шахслардан зудлик билан олишга ҳақлидир. Болани зудлик билан олиш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг тегишли ҳужжатига асосан амалга оширилади.

Бола фарзандликка олинганда васийлик ва ҳомийлик органи тезда прокурорга хабар бериши, болани вақтинча муайян ерга жойлаштириши ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи болани олиш тўғрисида ҳужжат қабул қилганидан кейин етти кун ичида ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уларнинг ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисида судга даъво билан мурожаат этиши шарт.

Боланинг ҳаёти, соғлиғи бевосита хавф остида қолганлиги аниқ-ланганида, васийлик ва ҳомийлик органлари, боланинг аҳволдан келиб чиқиб, унинг отаси (онаси) ни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки чеклаш масаласини ҳал қилиш билан бирга болани ушлаб турган шахслардан, отаси ёки онасидан уни зудлик билан ажратиб олиб, жойлаштириш чораларини кўришга ҳақлидирлар.

Болани унинг отаси ёки онасидан, шунингдек, уни қармоғига олган бошқа шахслардан олиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатига асосан амалга оширилади.

Болани ота-онасидан ёки қармоғида сақлаб турган шахсдан ажратиб олиш учун бирон-бир асос бўлса, унинг соғлиғи ёки ҳаётига оилада вужудга келган хавфли муҳитнинг ўзи кифоя бўлади.

Болани ота ёки онасидан ёхуд уни қармоғидан асраб турган шахсдан ажратиб олган васийлик ва ҳомийлик органи зудлик билан бу ҳақда прокурорга хабар қилади ва болани вақтинча муайян ерга жойлаштириш чораларини кўради. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан болани олиш ҳақида тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгандан кейин етти кун ичида васийлик ва ҳомийлик органи ёки прокурор даъво ариза билан судга мурожаат қилиши керак.

Даъво аризада болаган нисбатан унинг ота ёки онасини ёхуд ҳар иккаласини ҳам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уларнинг ота-оналик ҳуқуқларини чеклаш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш талабини кўяди.

Демак, болага исбатан унинг отаси ё онасини ёки ҳар иккаласини ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш масаласини ҳал қилишдан

олдин, хавф остида қолган болаларни олиш ва тегишли жойга жойлаштириш ҳуқуқи васийлик ва ҳомийлик органига берилган.

Айрим ҳолларда вояга етмаган болаларнинг отаси ёки онасининг руҳий касаллиги уларнинг оилада яшаши ва нормат тарбияланиши учун имконият бермайди. Бундай ота-оналарни ҳам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун ҳамма вақт етарли асос бўлавермайди. Улар фақат касалликлари туфайли болаларини тарбиялаш бўйича мажбуриятларини адо этмайдилар. Аммо вояга етмаган болаларни бундай оилада қолдириш ҳам улар учун хавфли муҳитни туғдиради. Бундай ҳолларда, суд боланинг ота-оналарини ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилмасдан уни олиб, тегили тарбия муассасаларига жойлаш-тириш ҳақида қарор чиқариши мумкин.

Болаларни ота-онасидан ёки қарамоғида бўлган бошқа шахслар-дан олиш масаласи суд томонидан даъво ишларини юритиш тартиби-да кўрилади. Болани олиш ҳақидаги даъво ариза васийлик ва ҳомий-лик органи томонидан, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан, болани васий ёки ҳомийси, ота-оналардан бири ва прокурор томони-дан берилиши мумкин. Бундай даъво ишлари албатта, васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда прокурорнинг иштирокида кўрилиши керак.

Суд томонидан болалар тарбияси билан боғлиқ низолар кўри-лаётганда, боланинг ҳимояси учун ким даъво тақдим қилганлигидан қатъи назар, ишда иштирок этиш учун васийлик ва ҳомийлик органи жалб қилиниши керак.

Васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ҳамда уни ўз тарбиясига беришни талаб қилаётган шахс (шахслар) нинг турмуш шароитлари-ни текшириши ва текшириш натижаларини ҳамда унга асосланган низо моҳиятига оид хулосасини судга тақдим қилиши шарт.

Ота-онадан бирининг ёки ҳар иккаласининг ўртасида вужудга келган бола тарбияси билан боғлиқ низолар вояга етмаган болалар тарбиясини назорат қилувчи ва болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш мажбурияти зиммаларига юклатилган органларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг, шунингдек прокурорнинг талабига асосан кўрилади.

Биринчи навбатда бола тарбиясига оид низолар васийлик ва ҳомийлик органи томонидан кўрилиши мумкин. Қонунда назарда ту-тилган ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органларининг бола

тарбия-сига доир қарорлари бажарилмаган ҳолларда, масала суд тартибида кўриб чиқилади.

Васийлик ва ҳомийлик органлари ота-оналарнинг вояга етмаган ўз болаларини тарбиялаш билан боғлиқ мажбуриятларини қандай бажараётганлари устидан назорат олиб бориш билан бирга, уларга ўз ота-оналик ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашадилар.

Зарур ҳолларда вояга етмаган болаларга ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ҳимоя қилишда ёрдамлашадилар.

Васийлик ва ҳомийлик органлари нафақат ўзлари кўзғатган иш-лари бўйича, балки бошқалар томонидан кўзғатилган ишларни кўри-лишида, болаларнинг ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида суд жараёнида иштирок этиб, хулоса беришга мажбур-дирлар.

Вояга етмаган болаларнинг тарбияси билан боғлиқ барча низоларни судда кўриш жараёнида васийлик ва ҳомийлик органлари иш-тирок этиб, бола тарбиясида турган шахснинг ва болани ўз тарбия-сига беришни талаб қилган шахснинг турмуш шароитларини, хулқ-атворларини, болага етарли тарбия бериш имкониятлари ва қобилият-лари бор-йўқлигини текшириб, низо моҳиятига оид асослангилган хулосани тақдим этишлари керак.

Судларда кўриладиган оилавий муносабатларга доир фуқаролик ишларининг анча қисмини бола тарбиясига оид ишлар ташкил этади. Бундай ишларни кўриш билан суд, нафақат, ота-оналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларни аниқлайди, балки вояга етмаган болаларнинг тақдирини белгиловчи масалаларни, боланинг манфаатларини ҳисоб-га олиб, уни у билан яшаши, унинг тарбиясини кимга ишониш мум-кинлиги масаласини ҳам ҳал қилади.

Вояга етмаган болалар тарбияси тақдирини ҳал қилишда уларнинг ўзлари ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олмайдилар, чунки ҳали муомала лаёқатига эга эмаслар. Уларнинг ота-оналари эса, судда тараф сифатида иштирок этиб, ўзларининг шахсий ҳуқуқ ва манфаатларинигина ҳимоя қиладилар. Уларнинг ҳаракати вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари билан ҳамма вақт ҳам муштарак бўлавермайди ва улар болаларни тегишлича тарбиялашни таъминлай олмайдилар.

Шунинг учун вояга етмаган болаларни тарбиялашга доир ишларни кўришда васийлик ва ҳомийлик органларининг иштироки алоҳида аҳамият касб этади. Улар давлатнинг ваколатли органи сифатида ота-

оналар томонидан ва бошқа шахслар томонидан болаларни тарбиялаш вазифаларини бажариш устидан назорат олиб борадилар.

Қуйидаги низолар бола тарбияси билан боғлиқ ҳисобланади: алоҳида-алоҳида турган ота-оналар ўртасида вояга етмаган болаларнинг ким билан туриши масаласига доир низолар; қонунга асосланмаган ёки суд қарори билан белгиланмаган тарзда ноқонуний равишда ушлаб турилган болаларни қайтариб олиш ҳақидаги ота-оналарининг талаблари; ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш; ота-оналик ҳуқуқини тиклаш; ота-оналик ҳуқуқини чеклаш; ота-оналик ҳуқуқини чеклашни бекор қилиш; ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилмасдан ота-онасидан болани олиш; фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш; фарзандликка олишни бекор қилиш ва бошқа ишлар.

Вояга етмаган болаларни тарбиялаш ҳуқуқи билан боғлиқ низолар-ни, вояга етмаган болаларни тарбиялаш услуби тўғрисидаги ота-оналар ўртасидаги низолар билан аралаштириб юбормаслик керак. Болани тарбиялашда қўлланиладиган услуб, айрим ҳолларда, болани тарбиядан олиш учун асос бўлиши мумкин.

Васийлик ва ҳомийлик органларининг суд жараёнида иштирок этиши тарафларнинг, яъни ота-оналарнинг турмуш шароитини ва улардаги болалар тарбияси учун яратилган имкониятларни текшириб хулоса бериш ва иш бўйича тегишли фикр билдириш билан чегараланади.

Бундай текшириш ва хулоса бериш суднинг топшириғи билан ёки васийлик ва ҳомийлик органининг ўз ташаббуси билан амалга оширилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш лозимки, биринчидан, ота-она (улардан бири)нинг ота-оналик ҳуқуқлари чекланишига асос бўлган ҳолатлар барҳам топса, суд ота-онанинг (улардан бирининг) даъвосига биноан, болани ота-онага (улардан бирига) қайтариш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради.

Иккинчидан, айтилган вақтда болани қайтариш унинг манфаатларига зид бўлса, суд боланинг фикрини ҳисобга олиб, даъвони қаноатлантиришни рад қилишга ҳақлидир.

ХУЛОСА

Мазкур мавзу юзасидан куйидаги таклиф ва хулосаларни бериш имконини берди:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65 ёки 66-модда-сининг 2-банди давомига “Ота-оналик ҳуқуқи қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилинади” деб киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар-ди. Шунингдек, Оила кодексининг 80-моддаси иккинчи қисмига, шунингдек “вояга етган фарзанднинг (боланинг) даъвосига биноан” деган нормалар билан тўлдирилса янада ҳам қонунчилик такомил-лашган бўлур эди.

Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни судда кўришда васийлик ва ҳомийлик органларига кенг ваколат берилган, лекин уларнинг фаолияти амалиётда сушт даражада кўринади. Шунинг учун:

Биринчидан, ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишлар оила-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган туркумдаги ишларга киради.

Иккинчидан, ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, у ҳар қачон ва ҳар қандай ҳолатда ҳам вояга етмаган болаларни ҳуқуқларини доимо ва мунтазам равишда ҳимоя қилади.

Учинчидан, ота-она (улардан бири) нинг ота-оналик ҳуқуқлари чекланишига асос бўлган ҳолатлар барҳам топса, суд ота-онанинг (улардан бирининг) даъвосига биноан, болани ота-онага (улардан бирига) қайтариш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради. Айни вақтда болани қайтариш унинг манфаатларига зид бўлса, суд боланинг фикрини ҳисобга олиб, даъвони қаноатлантиришни рад қилишга ҳақлидир.

Тўртинчидан, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ота-онани болаларни таъминлаш мажбуриятидан озод этмайди. Шу туфайли даъво қўзғатилган-қўзғатилмаганлигидан қатъи назар, биргалликда ҳал этилиши шартлиги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорида кўрсатиб ўтилган. Биз ҳам ушбу ҳолатни тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Бешинчидан, ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмасдан аввал вояга етмаган болани отаси ва онасидан ёки уларнинг биридан олиш ҳақида қарор чиқарилганда суд, аввало боланинг манфаатини ҳисобга олади.

Олтинчидан, ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ишлар албатта, прокурорнинг иштирокида, шунингдек, васийлик ва ҳомийлик органларининг қатнашувида кўрилиши шарт. Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқиши билан бирга вояга етмаган боланинг таъминоти учун маблағ ундириш масаласи ҳам суд томонидан ҳал қилиниши керак.

Еттинчидан, ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота-она болани шахсан тарбиялаш ҳуқуқидан, шунингдек болали фуқаролар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Айни вақтда ота-оналик ҳуқуқининг чекланиши ота-онани болага таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди. Шунингдек, ота-оналик ҳуқуқини чеклаш оилавий муносабатларни бутунлай тугатишни билдирмайди.

Айни вақтда ушбу институт бўйича ҳал қилиниши лозим бўлган қуйидаги жиҳатларни ҳам айтиш мумкин:

Суд амалиётида кўплаб учрайдиган ҳолатлардан бири шуки, ушбу институт маҳаллий менталилетдан келиб чиқиб, яъни истиҳола қилиниб суд тартибида кўрилиши даражасигача бормаяпти. Маҳалла, қўни-қўшни, қариндош-уруғлар ўртасида ахлоқ нормалари билан, жисмоний туйғулар билан ҳал қилинаяпти-да, бунинг оқибатида болалар манфаатлари қўпол равишда поймол қилинаяпти.

Аслида эса, оилавий муносабатларда қонун бола манфатларини устувор деб билади.

Шунингдек, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-оналар ёки улардан бири ўз хулқ-атворини яхши томонга ўзгартирганда ёхуд мутассил ичкиликбозлик ёинки гиёҳвандлик қусурларини ташлаган-дан кейин ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган деб топилган шахсларни қайта асл ҳуқуқий ҳолатига қайтариш қийин кечмоқда. Айниқса, бунда процессуал қонун талаблари қўпол равишда бузил-моқда. Ушбу ҳолатларни чуқур илмий таҳлил қилиш, уни хорижий муносабатларнинг турдош муносабатлари билан солиштириб, унинг оқилона ечимини топишдан иборат, деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Раҳбарий адабиётлар:

1. 1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.-Т.:Ўзбекистон.1996 й.–364 б.
2. 2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. -Т.: Ўзбекистон.1998 й.-412 б.
3. 3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.Т.:Ўзбекистон.1992 й.
4. 4. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т.: Ўзбекистон.1993 й.
5. 5. Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати.Т.:Ўзбекистон.1995 й. 24 б.
6. 6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон. 1997 й. -326 б.
7. 7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт -пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон. 2000 й. -112 б.

II. Қонун ҳужжатлари:

1. 1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон. 2003.
2. 2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.–Т.: Расмий нашр.2003.
3. 3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. –Т.: Адолат.1998.
4. 4. Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси.–Т.: Адолат. 1998.
5. 5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. –Т.: Адолат. 1998.
6. 6. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. –Т.: Адолат.1995.
7. 7. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.–Т.: Адолат. 1999.
8. 8. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонуни.Ҳужжатлар. –Т.: Ўзбекистон. 1991. -10 б.

9. 9. Ўзбекистон Республикасининг Мулкчилик тўғрисидаги 1990 йил 31 октябрь қонуни.//Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1990 йил, №31-33, 371-модда.

10.10. Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномалар тўғрисидаги қонуни. 1995 йил 22 декабрь.

11.11. Мерос ҳуқуқига оид қонунларни қўллашнинг айрим масала-лари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2000 йил 22 декабрдаги Пленуми қарори.//Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2000 йил 22 декабрдаги Пленуми қарорлари. –Т.: 2001.

12.12. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг 2005 йил-даги ҳал қилув қарори. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман фуқаро-лик ишлари бўйича туманлараро суди архивидан.

III. Махсус адабиётлар:

1. 1. Ф.М.Отахўжаев. Ўзбекистон Республикасининг Оила ҳуқуқи. -Т.: ТДЮИ. 2005.

2. 2. Жамолов Б., Бобоқулов А. Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш. –Т.: Адолат. -344 б.

3. 3. Зокиров И. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи.-Т.: Адолат.1996.-296 б.

4. 4. Коментарий к Гражданскому Кодексу Российской Федерации Ч1./отв.ред. О.Н.Садиков-М.: Юринформцентр.1997.-316 с.

5. 5. Мильштейн Н. Сто вопросов и сто ответов по гражданскому праву. –Т.: Узбекистан. 1990. -158 с.

6. 6. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар.-Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1997.

7. 7. Ҳ.Р.Раҳмонқулов. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, методи ва тамойиллари. -Т.: ТДЮИ.2003.-49 б.

8. 8. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. –Т.: Адолат. 2001. -154 б.

9. 9. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи./ Ҳ.Раҳмонқулов, И.Зокировларнинг умумий таҳрири остида-Т.: Адолат.1999.

10.10. Халфина Р.О. Общее учение о правоотношении.– М.:Юрид лит. 1974. -350 с.

11.11. Мухамедов Р. Мерос ҳуқуқи. -Т.:1998.-121 б.

12.12. Караходжаева Д.М. Гражданское право: субъект, объект и содержание правоотношения в условиях рынка. -Т.: ТДЮИ.2004.

13.13. Б.Мирбобоев. Конституциявий суд томонидан инсон ҳуқуқ-лари ва эркинликларини ҳимоя қилиш.//Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ахборотномаси. 1998. №2. -63-6.

14.14. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига шарҳлар. -Т.: Ўзбекистон. 2000.

15.15. Антокольская М.В. Семейное право. Учебник. -М.: Юристъ. 1996. -366 стр.

16.16. Комментарий к Семейному кодексу Российской Федерации. Под обхей редакцией доктора юридических наук. П.В.Крашениникова и кандидата юридических наук. Заслуженного юриста Российской Федерации. П.И.Седугина. -М.: Издательская группа ИНФА. М.-Норма. 1997. -384стр.

17.17. Комментарий к Семейному кодексу Российской Федерации. (Отв. ред. И.М.Кузнецова. 2-е изд. перераб и доп. -М. Юрист. 2000. -568 стр.

18.18. Ф. Отахўжаев. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. -Т.: Ўзбекистон. 1995 й.

19.19. Ф.Отахўжаев. Никоҳ ва ажралиш. -Т.: Ўзбекистон. 1991 й.

20.20. Нечаева А.М. Семейное право. Курс лекций. -М.: Юрист. 1998. -336 стр.

21.21. Пчелинцева Л.М. Семейное право России. Учебник для вузов. -М.: Издательская группа. Норма-Инфра. -М.: 1999. -672 стр.

22.22. Ш.Юлдашева. Фарзандликка олиш.//Ҳаёт ва қонун.2002.№5.

23.23. З.Эсонова. Алимент ҳуқуқ ва мажбуриятлари.//Инсон ва қонун. 2004.№5.

24.24. Хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларига оид қонун қафо-латлари. Оммабоп юридик маълумотнома. Оила ҳуқуқи. -Т.: Ўзбекис-тон. 2000.

Мундарижа

КИРИШ	3
I БОБ. Ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тушунчаси.....	7
1.1. Ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тартиби ва ҳуқуқий тартиби	7
1.2. Ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш	22
II БОБ. Ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органлар ва уларни ҳимоя қилиш усуллари	35
2.1. Ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болаларга васий ва ҳомий тайинлаш	35
2.2. Ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка, оилага тарбияга бериш	43
ХУЛОСА.....	50
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	52

Шоира ЮЛДАШЕВА, Анвар ҚУРБОНОВ

**ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ
БЎЛГАН БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

Мухаррир: С.Салимова.

Техник муҳаррир: Ж.Абдужалилов.

Компьютерда саҳифаловчи: А.Худайбергенова.

Босишга рухсат этилди: Ҳажми: б.т. Адади: Буюртма: №

ТДЮИ кичик босмахонасида босилди.

Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ, 35.
